ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари факультети
хитой филологияси кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

Хидоятов Абдусаид

РАСМИЙ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ
(ХИТОЙ ТИЛИ МИСОЛИДА)

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

5А2201102 Лингвистика (хитой тили)

Илмий раҳбар: сиёсий фанлар номзоди,
катта ўқитувчи Шозамонов Шоазим

ТОШКЕНТ – 2011

МУНДАРИЖА

Кириш .....

1 боб. РАСМИЙ ТИЛНИНГ СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ. РАСМИЙ ТИЛДА ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ ЎРНИ В АҲАМИЯТИ

Ўзлаштиришнинг семантик калька тури

1.1. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ ФОНЕТИК КАЛЬКА ТУРИ.....

1.2. Расмий тилда неологизмлар ва турғун ибораларнинг ўрни в аҳамияти

2.БОБ. ХИТОЙ ТИЛИ РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Расмий ҳужжатларда кенг ишлатиладиган рамка шаклидаги грамматик қолиплар

2.2. Расмий ҳужжатларда кенг ишлатиладиган мурожаат ва мулозамат шакллари

2.3. Ҳужжатларда кенг қўлланилувчи семантик компонентлар

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.....

Илова.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган (1992 йил 2 январь) даврдан бери икки давлат ўртасида 260 дан зиёд икки ва кўптомонлама давлатлар, ҳукуматлар, вазирликлар ва ташкилотлараро ҳужжатлар имзоланган. 2009 йили икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми 1992 йилга нисбатан 25 марта ошган. Бу ҳолат ўз навбатида, хитой тилини, унга оид ижтимоий - сиёсий ва дипломатик терминларни тахлил этиш, янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Умуман охирги 20 йил ичида хорижда хитой тилини ўрганиш, унга қизиқиш, тез суратлар билан ривожланиб бормоқда. Хитой маориф вазирлиги берган маълумотларга кўра, хорижий мамлакатларда хитой тилини ўрганувчилар сони 30 млн. кишини ташкил этади. Хитой университетларида ҳар йили 90.000 нафар чет эл фуқаролари хитой тилини ўрганмоқдалар [1]. Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекситон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Самарқанд, Фарғона университетлари ва бошқа бир қатор ўқув юртларида хитой тили ва хитойшунослик соҳаларида мутахассислар тайёрланмоқда.

1994 й. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида ўзбек ва хитой тиллари ҳамда бошқа соҳа мутахассисликлари бўйича талабалар алмашинуви ташкил этилган. Охирги йиллар давомида Хитой олий ўқув юртларида 1000 зиёд ўзбекистонлик бакалавр ва магистрлар таълим олиб, малака ошириб қайтганлар. 2006 йилдан Миллатлар университетида (Пекин шаҳри) “ўзбек тили” мутахассислиги бўйича талабалар қабул қилиш йўлга қўйилди. Айни пайтда Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа бир қатор олий ўқув юртларда хитойлик талабалар, аспирантлар ўзбек тили,

[1] Хитой университетларида бир семестр таълим олиш нархи, ўқув юрти жойлашган манзил ва унинг нуфузига қараб,

адабиёти, тарих, қишлоқ хўжалиги ва техника фанлари мутахассисликлари бўйича таълим олмоқдалар. Таржимашунослик мактабини шакллантиришда ва ривожлантиришда айнан юқорида кўрсатиб ўтилган факторлар муҳим роль ўйнайди, чунки моҳир тражимоннни етиштиришда авваломбор инсондан ўз она тилини чуқур билиши, ана ундан сўнг чет тили, ўрганаётган тилда сўзлашувчи миллатнинг ўзига ҳос хусусиятларини, урф –одатларини, умуман олганда менталитети доирасидаги пухта билим ва кўникмаларга эга бўлиши бирламчи ва муҳимдир. Ҳеч кимга сир эмаски мана 20 йилдан бери давлатимиз ва ХХР билан расмий соҳада катта ишлар олиб борилмоқда, ушбу соҳада юзлаб ҳужжатлар имзоланиб келинмоқда. Табиийки ҳужжатлар имзоланишидан олдин моҳир таржимонлар қўлидан ўтиши керак. Таржимондан нафақат сўзма сўз таржима, балки ҳужжатларнинг стилистик ва грамматик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда муқобил таржимани келтириш талаб этилади. Ушбу масаланинг мураккаблиги айниқса хитой тилида намоён бўлади, сабаби, хитой тили иероглифик ёзувдан иборат, ҳар бир иероглиф синонимик ҳусусиятларидан ҳоли эмас, кўплаб омографларнинг мавжудлиги эса таржима соҳасини янада мукаммалаштиради. Маълум бир иероглиф стилистик жиҳатдан нафақат турли ҳил грамматик конструкциялар таркибида, ҳужжатларнинг турига қараб ҳам маъносини ўзгартириш ҳусусиятига эга. Шу сабабли, хитой тили мисолида расмий тилнинг стилистик ва грамматик ҳусусиятларини чуқур таҳлил қилиш, бу борада керакли қўлланмалар яратиш нафақат ўқиш ва ўрганиш жараёнини, балки давлатимиз учун моҳир хитойшунос таржимонларни етиштириб беришда қўл келади, диссертациянинг илмий долзарблигини белгилаб беради.

Хитой тилининг ҳусусиятлари Ўзбекистон, МДХ давлатлари, Европа ва Америка тилшунослик илмий мактаблари томонидан кўп йиллардан бери чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиб келинмокда. Масалан, Хитой таълим вазирлигининг маълумотига кўра, ҳозирги даврда жахонниг 100 зиёд

тахминан 1200-3500 АҚШ долларни ташкил қилади.

мамлакатларида тахминан 30 млн. киши хитой тилини мунтазам ўрганиш, ҳамда таҳлил этиш билан шуғулланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу тадқиқот нафақат хитойшунослик, балки сиёсатшунослик учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Хитой ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1991 йил 2 январда дипломатик алоқалар ўрнатилганидан бери расмий соҳада ишлатиладиган расмий ҳужжатлар мажмуаси шакллана бошлади.

Хитой расмий тили терминларининг лингвистик таҳлилига бағишланган ишлардан қуйидагиларни айтиб ўтиш лозим: 2004 йили нашр этилган A Bilingual Study of Diplomatic Documents / Series of Huang Jinqi's Monografs on Diplomacy / Book I, Book II. World Affairs Press 2004; What is Diplomacy - A Bilingual Course/ Series of Huang Jinqi's Monografs on Diplomacy / World Affairs Press 2004 (Хуан Дингчининг "Ҳозирги замон хитой тили дипломатик ҳужжатлари" ва "Дипломатия асослари" китоблари); 番新明。 外事使用文书大全。- 北京：世界知识出版社，1994。(Фан Синмингнинг "Хитой дипломатик ҳужжатлари" - Пекин: "Шижиечубанше" нашриёти, 1994) китоблари маълум. Кўрсатиб ўтилган манбаларда расмий ҳужжатларнинг фақат тарихий келиб чиқиши, ҳужжатларнинг тузилиши ҳусусиятлари ўрганилган.

Лекин, умуман олганда, расмий тил соҳаси лексикасининг шаклланиши ва ҳусусиятларига бағишланган ишлар сони анчагина. Масалан: Д.С. Кулмаматовнинг "Среднеазиатские дипломатические документы и их русские переводы в XVII в.в. (Грамоты, челобитные)", деб номланган илмий иши; Ҳ.Дадабаевнинг "Общественно - политическая и социально - экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI – XIV вв.", деб номланган илмий иши; А.А.Абдуллаеванинг "Лексика сферы международных отношений (на материале русского и узбекского языков)", деб номланган илмий тадқиқот ишлари; А.В.Волоскованинг "Иноязычные

слова в дипломатической терминологии начала XVIII в.”; Х.Г.Гуламовнинг “Посольские связи Бухарского ханства с Россией в XVIII в.”; И.Т.Зографнинг “Монгольско – китайская интерференция (язык монгольской канцелярии в Китае)”; Е.М.Иссерлиннинг “Лексика и фразеология современных дипломатических документов”; Д.С. Лихачёвнинг “Повести русских послов как памятники литературы”; Ф.Ф.Молочковнинг “Дипломатический протокол и дипломатическая практика”; Х.С.Мухитдинова, А.А.Абдуллаеваларнинг “Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури”; Л.В.Рахманиннинг “Стилистика деловой речи и редактирование служебных документов”; А.М.Сабенинанинг “Лексика сферы дипломатических отношений в русском языке XVII в.”; Э. Сатоунинг “Руководство по дипломатической практике”; Ж.Ш.Сафаровнинг “Структура дипломатического дискурса и его лексико - фразеологический состав (на материале английского языка)”; Ф.П.Сергеевнинг “Русская дипломатическая терминология XI – XVII вв.” ҳамда “Лексика сферы международных отношений”; Қ.П.Содиқовнинг “Эски уйғур ёзуви (элчилардан юборилган ёрлиқлар)” ва бошка шу каби илмий ишлар мавжуд. Ушбу илмий ишларнинг аксарият қисми дипломатик лексиканинг диахроник таҳлилига бағишланган. Юқорида кўрсатиб ўтилган ишлардан А.А.Абдуллаеванинг “Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури” ва “Лексика сферы международных отношений (на материале русского и узбекского языков)” деб номланган илмий иши расмий тил лексиканинг синхроник таҳлилини ҳам ўз ичига қамраб олган.

Юқорида келтирилган илмий ишлардан фарқли ўлароқ ТошДШИ хитой филологияси кафедраиснинг катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Носирова Саодат Абдуллаевнанинг 2008 йили ёқлаган “Ҳозирги замон хитой тилида дипломатик терминларнинг лексик – семантик ва структур таҳлили” деб номланган илмий тадқиқотда илк бора хитой тили дипломатик лексикаси ўрганилиб, дипломатик терминларнинг синхроник ва диахроник таҳлилига аҳамият берилган. Ушбу илмий тадқиқот ишида кўтарилган масала, яъни

дипломатик терминологиясининг лексик-семантик, структур жиҳатларини ўрганиш магистрлик ишимиз учун мавзу танлашда асосий омил бўлиб хизмат қилди. Расмий тилнинг ажралмас қисми бўлмиш ҳужжатлар тили мисолида расмий тилнинг стилистик, қисман грамматик ҳусусиятларини чуқурроқ таҳлил этиш мақсадимизга айланар экан, ушбу камтарона ишимиз маҳсули келажакда расмий соҳа ҳужжатларини, бевосита ШХТ томонидан имзоланган ҳужжатларни чуқурроқ таҳлил қилишга, ўзбек хитойшунослиги ва таржимашунослиги мактабининг ривожига озгина ёрдам кўрсатишидан умидвормиз.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2004 йилда ф.ф.н. С.А.Носирова ва доц. А.А Каримов томонидан тузилган “Хитойча-ўзбекча-русча дипломатик терминлар луғати” ҳам тадқиқот ишимизни ёзишимизда катта амалий ёрдам кўрсатди.

Диссертация ишининг илмий - тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий - тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган. Диссертация мавзуси ТошДШИнинг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Илмий ишдан кўзланган мақсад ҳозирги хитой тили мисолида расмий тилнинг стилистик ва грамматик ҳусусиятларини ўрганишдан иборат. Бундан ташқари муаллиф ўз олдига илмий тадқиқот натижалари асосида расмий ҳужжатларни таржима қилиш борасида лозим бўлган тавсияномалар ишлаб чиқиш, ушбу мавзунинг истиқболли йўналишларини аниқлаш мақсадларини ҳам қўйган. Расмий ҳужжатларни таржима қилиш бораисда вужудга келаётган янги терминлар, иборалар, қолипли конструкциялар хитойликларнинг миллий онги билан боғлиқликлиги, яъни рамий тилнинг когнитив нуқтаи – назардан қабул қилиниши кўзга ташланмоқда. Мазкур ишнинг яна бир мақсадларидан бири айнан когнитив усул ёрдамида баъзи - бир стилистик конструкциялар моҳиятини, қўлланилиш ҳусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Илмий ишда қуйидаги асосий вазифалар

амалга оширилиши назарда тутилган:

1) ҳозирги хитой тили мисолида расмий тилнинг стилистик ҳусусиятларининг таҳлилини амалга ошириш, ушбу вазифани амалга оширишда расмий ҳужжатларда қўлланиладиган ўзлашмалар, неологизмлар ва турғун ибораларнинг ўрни ва аҳамияти таҳлил этилади;

2) расмий тилнинг ажралмас қисми бўлмиш ҳужжатларда кенг қўлланиладиган мулозамат ва мурожаат турларини таҳлил қилиш;

3) расмий ҳужатларда кенг қўлланиладиган рамка шаклидаги конструкцияларнинг стилистик ҳусусиятларини таҳлил қилиш, уларни таржима қилиш кўникмасини шакллантиришда ёрдам берувчи йўлланмаларни ишлаб чиқиш;

4) ШХТ доирасидаги расмий ҳужжатларда кенг қўлланиладиган семантик компонентларни таҳлил этиш;

5) ШХТ доирасидаги расмий ҳужжатларда кенг қўлланиладиган сўз ва ибораларнинг стилистик хусусиятларини ўрганиш, ушбу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда тез таржима қилиш кўникмасини ҳосил қилиш қилиш

6) илмий тадқиқот асосида илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Ишнинг объекти сифатида ҳозирги хитой тили мисолида расмий тил танлаб олинди.

Тадқиқот предмети. Расмий тилнинг стилистик ва грамматик ҳусусиятлари. Ушбу ҳусусисиятларни ўрганиш базасини расмий ҳужжатлар ташкил этди.

Ишнинг илмий янгилиги. Биринчи марта хитой тили мисолида расмий тилнинг стилистик ва айрим грамматик ҳусусиятлари ёритилди. Расмий тилнинг шаклланишида ўзлашмаларнинг, неологизмларнинг ижобий ва салбий томонлари таҳлил этилди. ШХТ фаолияти доираисда имзоланган расмий ҳужжатларнинг стилистик жиҳатлари: семантик компонентлар, қолипли бирикмалар, рамка шаклидаги қолипли конструкцияларни ўрганилди, уларни таржима қилишда нималарга аҳамият бериш лозимлиги, яъни таржима амалиётига доир назарий қарашлар шакллантирилди.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Мазкур тадқиқотни олиб боришда хитой, ўзбек, рус ва инглиз умумий тилшунослиги бўйича фундаментал ишлар, лингвистика, семантика, функционал синтаксис, генератив грамматика, когнитив линвистика назарияси, қиёсий типология, неолингвистика, лингвистик структурализм, дескриптив лингвистика, грамматикага бағишланган ишлар, шунингдек атамашунослик ва терминология масалаларига доир адабиётлардан, жумладан, О.С.Ахманова, Бодуэн де Куртенэ, В. Брендаль, Г. Бакиева, А. Н. Баранов, И.Н.Бекмуратов, В.В.Винокур, Ван Ли, В.Гумбольдт, В.Г. Гак, Х.Дадабаев, В.П.Даниленко, Н.И.Иброҳимов, А.В. Исаченко, Т.Л.Канделаки, И. М. Кобозева, Н.И.Кондаков, А.А.Каримов, Д.С.Лотте, Дж. Лайонз, С.А.Носирова, А.А.Реформатский, Г.Рондо, Ф.Риггз, Қ.П.Содиқов, В. Томсен, Н. Хомски, А.Ҳожиев, Хуан Дингчи, О.Н.Шоматов, Ян Синьань ва бошкаларнинг илмий – назарий қарашларига таянилди.

Тадқиқот методи. Мавзуга оид тўпланган материаллар ҳозирги замон тилшунослик фанида кенг қўлланилаётган қиёсий-тарихий, эмпирик, дистрибутив медолар, конструктив, диахроник ва синхроник, тавсифий, таҳлилий, когнитив, компонент ҳамда статистик ва интерпретация методлари ёрдамида таҳлил этилди. Баъзи ҳолатларда, мавзунинг интерактив ҳусусиятларидан келиб чиқиб, сиёсатшунослика оид бўлган умумий методлар ҳам қўлланилди.

Тадқиқот манбалари. Тадқиқотга манба сифатида A Bilingual Study of Diplomatic Documents / Series of Huang Jinqi’s Monografs on Diplomacy / Book I, Book II. World Affairs Press 2004; What is Diplomacy - A Bilingual Course/ Series of Huang Jinqi’s Monografs on Diplomacy / World Affairs Press 2004 (Хуан Дингчининг “Ҳозирги замон хитой тили дипломатик ҳужжатлари” ва “Дипломатия асослари” китоблари); Joan R.Wood Jean Serres. Diplomatic Ceremonial and Protocol. New York, 1999. (Джон Вуд ва Джен Серресларнинг “Дипломатик церемониал ва протокол ” китоби); 番新明。 外事使用文书大

全。- 北京：世界知识出版社，1994 (Фан Синминг. Хитой дипломатик хужжатлари. – Пекин: “Шижиечубанше” нашриёти, 1994.); Chinese – English Vocabulary of Foreign Affairs (Хитойча-инглизча дипломатик атамалар луғати) ҳамда С.А.Носирова ва А.А.Каримовларнинг “汉乌俄外交词典 han wu e waijiao cidian” (Хитойча-ўзбекча-русча дипломатик атамлар луғати) (ХХР, 2004) китоблари олинди.

Оригинал манба сифатида Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги, Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Пекиндаги Котибияти томонидан тақдим этилган расмий ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишда илк маротаба хитой тили мисолида рамсий тил таҳлилий ва тавсифий усулда, когнитив методлари асосида ўрганилди. Расмий тилнинг стилистик ва айрим грамматик ҳусусиятлари таҳлил этилди.

Диссертация материалларидан умумий таржимашунослик соҳасида, ҳусусан Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар ва инвестициялар вазирлиги, Савдо ва саноат Палатаси, Ўзбекистон Республикасининг ХХРдаги элчихона ва бошка ваколатхоналарининг, Ўзбекистон Республикасида ва Хитой Халқ Республикасида жойлашган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти идораларинининг фаолиятида; хитой тили лексикологияси бўйича олиб бориладиган курсларда; хитой тилининг лексикологияси ва лексикасига оид маҳсус курсларда; ўзбек, рус ва хитой тилларини ўргатиш жараёнларида, қўлланма ҳамда дарсликлар тузишда, айниқса, хитой тилига оид турли хил ўқув қўлланмалари ҳамда шарқшунос филологлар учун маҳсус курслар тайёрлашда, янги луғатлар тузишда, расмий ҳужжатлар мажмуасини ишлаб чиқишда, оммавий ахборот воситаларида ва бошка соҳаларда кенг фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация иши Тошкент давлат

шарқшунослик институтининг Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари факультети хитой филологияси кафедраси йиғилишида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия қилинган.

Диссертацияда ҳимояга олиб чиқилаётган ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

1. хитой тили мисолида расмий тилнинг бевосита ҳужжатлар тили асосида шаклланганлиги аниқланди;

2. ўрганилаётган дипломатик ҳужжатларни таржима қилишда учрайдиган қийинчиликлар ва тушумовчиликлар рамсий тилнинг стилистик ҳусусиятлари билан бевосита боғлиқлиги аниқланди, бунда рамка шаклидаги қолипли конструкциялар, турғун ибораларни чуқурроқ таҳлил қилиш эхтиёжи мавжудлиги аниқланди;

3. расмий тил соҳасида қўлланилиши авж олаётган ўзлашмалар ва неологизмлар таржима жараёнини чигаллаштириши аниқланди, ушбу ҳолат хитой тилининг иероглиф ёзувининг хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқлиги аниқланди;

4. ўзлаштириш усулининг семантик калька ва фонетик калька турларининг расмий тилдаги ўрни ўрганилди. Таҳлил натижасида семантик калька усули ёрдамида ўзлаштирилган терминлар ҳам манба тилдаги ҳам сўз ўзлаштирилаётган тилдаги маънолари семантик жиҳатдан ўзаро мос келиши, калькалашаётган терминлар структураси, гапдаги вазифаси ҳам ўзлаштирилиши кузатилди. Семантик калька усули вақт ўтиши билан фонетик калька усулини ўрнини босиш ҳолатлари расмий ҳужжатлар мисолида кузатилди;

5. ўзлаштиришнинг фонетик усулининг асосан тўлиқ бўлмаган шаклдаги фонетик ўзлаштирмалар кўринишидаги атоқли номлар ва халқаро ташкилотлар номланишларида кўп қўлланилиши кузатилди;

6. расмий ҳужжатларда кенг қўлланиладиган семантик компонентларнинг маънолари таҳлил этилди. Семантик компонентларнинг тўғри ёки нотўғри таржима қилиниши хитой тилида битилган

ҳужжатларнинг умумий маъносига катта таъсири қилиши аниқланди;

7. ШХТ расмий ҳужжатлари мисолида қўлланиладиган мулозамат лексиканинг ҳусуиятлари ўрганилди;

8. расмий ҳужжатларда ишлатиладиган неологизмлар ва стилистик қолипли конструкциялар ҳамда бирикмаларнинг ўрни ва аҳамияти ҳужжатларни таҳлили ва таржимасида стилистик жиҳатдан муҳимлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ҳар бир боб ўз мазмуни ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кичикроқ қисмларга бўлинган. Диссертацияда тадқиқот натижаларига алоқадор бўлган схемалардан фойдаланилган. Шунингдек, диссертацияда хитойча мисоллар транслитерация ҳолатида лотин алифбосида берилган.

БИРИНЧИ БОБ. РАСМИЙ ТИЛНИНГ СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, хитой тили лексикаси янги сўзларни ясаш услуби орқали бойиб, кенгайиб келган. Шу билан бирга, XX асрдан бошлаб хитой тилининг луғат таркиби чет тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ҳисобига ҳам кенгайиб бормоқда. Хитой тилида улар 外来词 wailaici, яъни *четдан кириб келган сўзлар*, деб аталади.

А.Ҳожиев "ўзлаштириш - ўзаро таъсир, алоқа натижаси сифатида бир тил унсурларининг бошқа тилга ўтиши тушунилади", деб кўрсатган [2]. Бир тилнинг иккинчи тилга таъсир этиши асосан фонетика ёки грамматикада эмас, балки айнан лексикада яққол кўринади. Бир қатор олимлар, хитой тилига кўпдан-кўп чет тил элементларининг кириб келиши салбий ҳодиса эмас, деб таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, ўзлаштирма элементлар тилга ижобий таъсир этиб, уни ихчамлаштиради ва жозибали бўлишга ёрдам беради [3]. Хитой тили донор тилга нисбатан реципиент, яъни қабул қилувчи тил вазифасини бажаради. Бу ерда донор, масалан, инглиз, француз ёки немис тили бўлиши мумкин. Хитой тилига кирувчи чет лексик бирликлар хитой тили ривожланиш тарихи қонун – қоидаларига биноан қайта ишловга учраган. Мисол учун, агар хитой тили фонетикасидаги товушларга ўзлаштирилган сўзларнинг товушлари мос келмай қолса, у ҳолда ўзлаштирилган сўзларнинг товушлари ўзгартирилади. Фақат ана шундай қайта ишловлар туфайли ушбу сўзлар хитой тилига ўрнашади.

Атроф-муҳитни ҳимоя килиш, демография, эпидемия, эпизоотия,

---

[2] А.Ҳожиев.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.: "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси", 2002.- 105 б.

[3] Чжоу Цзумо. Ханьюй цихуй цзянхуа. - Пекин, 1962. – 7 б., Чжан Цзин. Цы, цыцзу, цзюйцзы. - Харбин, 1984. – 32 б.; Цзинь Шаочжи. Цихуй. - Пекин, 1963. – 8 б., Чжу Дэси. Юйфа цзяни. - Пекин, 1982. –32 б., Чжан Шилу. Сяосюэ цихуй цзяосюэ цзибень чжиши цзянхуа .- Ханчжоу, 1956. –58 б., Yuen Ren Chao. A Grammar of Spoken Chinese. – Los Angeles, 1967.- P.189., Янь Цзинсюань. Ханьюй исюэци гоуцифа. // Юйянь цзяосюэ юй яньцзю. № 2. - Пекин, 1983. –89 б., Чжан Чжигун. Сяньдай ханьюй, 1 том. - Пекин, 1983. –38 б.;

эпифитотия, оммавий қириш қуроллари тарқалишини олдини олиш, халқаро алоқаларнинг ривожланиши каби жараёнлар тилнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Масалан, 2003 йилни баҳор ойларида Хитойда аввал учрамаган грипп эпидемия характерини олди. Жарён бошланишида Хитой, Гонконг ва Тайван оммавий ахборот воситалари бу эпидемияга fei yan dian xing (типик бўлмаган пневмония), деб ном бердилар. Кейинроқ, Гонконг олимлари эпидемиянинг келиб чиқишига сабаб бўлган вирусни аниқладилар, унинг табиатини ўргандилар ва унга "yan zhong ji xing hu xi dao zheng hou qun" (оғир ўткир респиратор синдроми) деган ном бердилар. Аммо бу медицина соҳасига оид ном оммавий ахборот воситаларини талабига мос эмас эди. Шу сабабли, Тайван оммавий ахборот органлари инглизча SARS (Severe Acute Respiratory Syndrome) аббревиатурасини қабул қилдилар. Хитойда эса бу касаллик оддийроқ термин sa si bing ёрдамида ифодаланди. Умуман олганда, Хитой терминология системаси кўпроқ модернизацияга учрамоқда ва хорижий тиллар билан нисбатан кўпроқ интеграллашмоқда. Тайван ва Гонконгда эса хитой тилини алоҳида ғамхўрлик, ҳушёрлик ва эътибор билан сақлаш тенденциялари нисбатан кучлироқ, деган мулаҳазалар ҳам йўқ эмас. Бу ерда икки ҳолат бор. Биринчидан - тил ривожланиши, иккинчидан - тилнинг ифлосланиши ва ўз моҳияти, мустақиллиги, жозибасини қисман ёки бутунлай йўқотиш хавфи.

Хитой тилида мавжуд бўлган замонавий терминларнинг кўпи ҳақиқатдан асл хитойча ёки асл хитойча сўз ва морфемалар комбинацияси (йиғиндиси) кўринишида бўлсада, улар ўзга юртлардан кириб келган турли таълимотлар туфайли вужудга келган [4]. Бу ерда махсус илмий изланиш объекти мавжуд, деса бўлади. Хан миллати сон жихатидан кўп миллат бўлганлиги сабабли (жаҳон аҳолисининг 22% ташкил этади) хитой тили чет тиллардан кириб келаётган ҳар бир терминни транформациялайди, уни хитойчага имконият қадар яқинлаштиради, чет тил терминининг ўзига хос

бирламчи хусусиятлари камаяди ёки бутунлай йуқолади.

1.1. Расмий тилда ўзлашмаларнинг ўрни в аҳамияти

Ўзлаштиришнинг семантик калька тури

«Калька (calque – копия, тақлид). Ўзга тил материалидан қисмма–қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз ёки бошқа бир тил бирлиги” [5]. Лексик, семантик, фразеологик калькалар бўлиши мумкин. Бошқа бир тилда мавжуд бўлган сўзнинг таъсири натижасида янги сўзнинг пайдо бўлиш ҳодисаси калька усулига ўзлаштиришнинг муҳим усули сифатида қарашга имкон беради.

Л.Блумфильд калькаларни чет сўзлар таржимаси ёки ўзга сўзлар билан ифодаланган мазмунни ўз тилида ифодалаш учун қўлланилган сўзларнинг танланиши, деб ёзган [6]. А.Реформатский қуйидаги фикрни билдирган: “Калькалар чет тилдаги сўзнинг қисмма-қисм таржимаси ёки таржима қилинган элементларнинг механик равишда ўзаро қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган ибора, сўз. Шу тарзда калька усулини қўллаганда элементларнинг комбинацияси ўзлаштирилади, элементларнинг ўзлари эса ўзга тилдаги эмас, балки ўз тил материали бўлиб хизмат қилади” [7]. Ижтимоий-сиёсий ва дипломатик терминларни ясалишида сўз ўзлаштириш, фонетик ҳам семантик усулидан кенг фойдаланилади. А.Ҳожиев, семантик калька терминига шундай изоҳ берган: “Семантик калька – ўзга тилга оид сўз билдирадиган маънони ўзлаштириш натижасида ўз тилидаги сўзга шу маънони берилиши” [8].

Хитой тили дипломатик терминлар таркибида ўзлаштирма сўзларнинг кўпайиши турли миллат вакилларининг ўзаро алоқаларининг ривожланиши натижасида оғзаки ёки ёзма манбалар орқали вужудга келади.

В. Иванов ўзлаштиришни 3 тургa бўлиб ўрганади:

Иванов И.И. Терминология и заимствования в современном китайском языке. – М.: Наука,1978.- 118 б.

[5] Ҳожиев А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2002.- 47 б.

[6] Блумфильд Л. Язык. М., 1968.- 499-502 б.

[7] Реформатский А. Введение в языкознание. - М., 1955.- 116 б.

[8] Ҳожиев А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”, 2002.- 9 ва 142

1. Калькалар

2. Этимологик калькалар

3. Семантик калькалар [9].

И.Зограф ўзлаштиришнинг 3 асосий тури сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади.

1. Тўғридан – тўғри лексик ўзлашмалар.

2. Калькалаш усули.

3. Семантик ўзлашмалар[10].

В.Горелов ўзлаштиришнинг калька усулини семантик ўзлаштириш, деб номлаган ва бу усул ёрдамида янги сўзлар ҳосил бўлишини таъкидлаган. У калькаларни икки турга бўлиб ўрганади:

1) структурал калька

2) этимологик калькалар [11].

Юқоридаги ўзлашмалар туридан ташқари яна бир тур мавжудки, у ўзида ўзлаштиришнинг ҳам фонетик, ҳам семантик усулини мужассамлаштирган. Ч.Хоккет бу каби ўзлаштирмани “аралаш ўзлаштирма” (loan blends) деб атаган [12] . З.Новотна эса уларни гибрид сўзлар (hybrid words) деб атаган[13]. Муаллиф гибрид сўзларни алоҳида ажратиб ўрганмай, балки уларни калька ёки фонетик ўзлашмаларнинг бир тури сифатида кўриб чиқишга ўз эътиборини қаратган. Расмий ҳужжат тилни шакллантирувчи терминларнинг асосий қисми ўзлашириш усулининг семантик калька тури ёрдамида ўзлашган сўзлардан иборат. Масалан, “элчи” “大使” dashi (“*катта вакил*”) термини билан ифодаланган. Ушбу сўз дипломатик вакилнинг энг катта мартабаси, унвони ва шу унвонга эга бўлган киши: “Фавқулодда ва Мухтор Элчи”. Хитой тилидаги эквиваленти эса “бошқа бир давлатга

б.б.

[9] Иванов И.И. Терминология и заимствования в современном китайском языке. – М.: Наука,1978.- 118 б.

[10] Зограф И. Монгольско – китайская интерференция (язык монгольской канцелярии в Китае). – М.: «Наука», 1984. – С. 38.

[11].Горелов В.И. Лексикология китайского языка. – М., 1978.- 114 б.

[12].Hockett C.F. A course in Modern Linguistics. - New York, 1963.- 46 б.

[13].Novotna Z. Contributions to the study of Loan words and hybrid words in Modern Chinese. - “ Archiv Orientalni” vol. 37. , 1969.- 17 б.

юборилган юқори мартабали дипломатик вакил” деган маънога эга [14]. Қадимги хитой тилида “大使” dashi сўзи “*эмиссар, фавқулодда вакил, бошқарувчи*” маъносида қўлланган.

Профессор Х.Дадабаев умумтуркий термин бўлмиш “элчи” сўзининг этимологик таҳлилини бераётганда “элчи” сўзи дастлаб бир неча маънода ишлатилганлигини таъкидлайди: “йалавач” “*элчи, Пайғамбар*” маъносида. Дастлаб ушбу сўз Олтин – Кўл, Урхун - Энасой археологик битикларда “йалавач” шаклида учраган[15]. “*Элчи*” сўзи асл маъносида, яъни а) элнинг ҳукмдори; в) хабар етказувчи маъносида дастлаб XII–XIV асрлар ёдгорликларида учрайди[16]. У XII – XIV асрларда уйғур тилида тузилган ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган. “Қутадғу билиг”да “элчи” сўзи “эл ҳукмдори” маъносида ишлатилган. Профессор Х.Дадабаев келтиришича “элчи”, “илчу” “махсус масалалар бўйича юборилган расмий вакилдир”[17].

Р.Будагов, А.Кононов, Э.Севортянларнинг таъкидлашича “*элчи*” сўзи дастлаб “хабар етказувчи” маъносида қўлланилиб, шахснинг дипломатик статусга эга бўлганлигидан далолат беради. “Атташе” сўзи ҳам хитой тилига семантик калька усули ёрдамида “专员” zhuanyuan «*махсус вакил*» шаклида ўзлаштирилган.

“*Атташе*” сўзи французча “бириктирилган” маъносида қўлланилган. Ушбу сўзнинг ўзбек тилидаги асосий маъноси:

1) Дипломатик лавозим

2) Ҳарбий атташе – маълум бир давлат Мудофаа вазирлигининг мазкур давлатнинг элчихонасидаги шахс [18]. Ушбу термин хитой тилига таржима қилиниши жараёнида юқоридаги маънони ифодаловчи морфемаларнинг

[14] 现代汉语词典.- 高务印书馆，北京，1998.- 236.

[15].Дадабаев Х. Общественно – политическая и социально экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI – XIV в.в. - Т., «Ёзувчи», 1991. – 103 –107 б.

[16] Кўрсатилган асар. – 103 –107 б.

[17]Кўрсатилган асар. – 103 –107 б.

[18]现代汉语词典. - 高务印书馆，北京，1998. - 1336 б.

бирлашуви натижасида ҳосил бўлган. Хитой тилида ҳам “专员” zhuanyuan калька усули ёрдамида сақланиб қолган.

Хитой ва ўзбек тилларида “*атташе*”, “专员” турли сўзлар билан биргаликда бирикмаларни ҳосил қилади. Масалан, *ҳарбий атташе* “武官” wuguan; *қуруқликдаги қўшинлар ҳарбий атташеси* 空军武官 kongjun wuguan; *ҳарбий денгиз флоти атташеси* 海军武官 haijun wuguan; *савдо атташеси* 商务武官 shangwu wuguan ва ҳ.к.

“国务卿” guowuqing “*давлат котиби*” маъносидаги термин Европа ва Американинг бир неча давлатларида “олий давлат амалдорларининг номи” маъносида қўлланилган ҳолда семантик калька усули ёрдамида ўзлаштирилган. Масалан: “АҚШ Давлат Департаменти раҳбари”. Айнан шу маъно хитой тилида ҳам “国务卿” guowuqing сўзида сақланиб қолган, яъни бу ерда ҳам терминнинг манба тилдаги маъноси ўзлаштираётган тилга кўчиб келган [19] . “国务卿”guowuqing “*давлат котиби*” инглиз тилидан ўзлаштирилган бўлиб, унинг кўриниши “secretary of state”дир, асл маъноси ҳам хитой тилига кўчиб ўтган.

参赞 canzan “*маслаҳатчи*” рус тилидаги “*советник*” сўзининг семантик калька усули ёрдамида ўзлаштирилган шаклидир. “*Советник*” сўзининг рус тилидаги “*мартабали шаҳсларнинг номи*” маъноси хитой тилидаги 参赞 canzan терминига кўчиб ўтган. 参赞 ҳам турли сўзлар билан бирлашиб, кўплаб сўз бирикмаларининг ҳосил бўлишида иштирок этган. Масалан, 文化参赞 *маданият ишлари бўйича маслаҳатчи*; 行政参赞 *маъмурий ишлар*

бўйича маслаҳатчи; 政务参赞 zhengwu canzan *сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчи* ва ҳ.к.

外交大臣 waijiao dachen "*ташқи ишлар бўйича юқори мансабдор шахс*" термини Буюк Британияда қўлланиладиган термин бўлиб, ушбу сўз хитой тилига кириб келган. Унинг манба тилдаги асл маъноси ҳам тўла сақланган ҳолда хитой тилига "таржима" қилинган.

顾问 guwen "*референт*" термини ҳам хитой тилига ўзлаштиришнинг семантик калька усули ёрдамида кирган. "*Референт*" (лот. "referens" "хабар қилувчи, маълумот берувчи") сўзидан олинган бўлиб, хитой тилида "муайян масалалар юзасидан ахборот, маълумот, маслаҳат берувчи масъул шахс" маъносини беради. "Референт"нинг манба тилдаги маъноси хитой тилига тўғридан - тўғри "таржима" қилинган. У ҳам турли лексемалар билан сўз бирикмаларини ҳосил қилган. Масалан, 法 顾问 fa guwen *ҳуқуқий масалалар бўйича референт*; 代表团法 顾问 daibiaotuan fa guwen *делегация референти*; 联合国法 顾问 lianheguo fa guwen *БМТдаги ҳуқуқий масалалар бўйича референт* ва ҳ.к.

领事 lingshi "*консул*" ўзлаштиришнинг семантик калька усули ёрдамида хитой тилига кириб келган. "*Консул*" (лот. "consul" "маслаҳатчи") сўзидан олинган бўлиб, қадимги Римда "олий мансабдор шахс" маъносида қўлланилган. Хитой тилидаги маъноси "бирор-бир давлат ҳукумати томонидан бошқа-бир давлатга юборилган, ўз мамлакати ва фуқароларининг ҳуқуқларини, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилувчи мансабдор шахс." Кўриниб турибдики, 领事 lingshi "*консул*"нинг манба тилдаги маъноси хитой тилидаги маъноси ўхшаш. Бу ҳолат семантик калька усулининг сўз маъносини ифодалашдаги афзаллигини кўрсатади. Юқоридаги мисоллар

[19] 现代汉语词典. - 高务印书馆，北京，1998. -482 б..

манба тилдан хитой тилига калька усули ёрдамида ўзлаштириш жараёнида сўзнинг маъноси, гапдаги вазифаси, қайси сўз туркумига оидлиги ўзлаштираётган тилда сақланиб қолишини кўрсатади. Масалан, 参赞, “大使”, 顾问 нинг гапдаги вазифаси ўзбек ҳам хитой тилларида бир хил, яъни улар икки тилда от сўз туркуми сифатида келган.

Ўзлаштиришнинг семантик калька усули ёрдамида 受欢迎的人 shou huanyingde ren “*персона грата*”, яъни “*мақбул шахс*” ва 不受欢迎的人 bu shouhuanyingde ren “*номақбул шахс* ” терминлари лотин тилидан хитой тилига ўзлаштирилган. Юқоридаги мисоллардан ташқари хитой расмий тили терминологиясида кўплаб бошқа терминлар ҳам ўзлаштиришнинг семантик калька усули ёрдамида ҳосил бўлган. Масалан, 援助国 yuanzhuguo “*донор давлат*” (援助 yuanzhu “ёрдам бериш” +国 guo “давлат”); 骨牌理论 gupai lilun “*домино назарияси*” (骨牌 gupai “домино” +理论 lilun “назария”); 屈辱外交 quru waijiao “*камситиш дипломатияси*”(屈辱 quru “камситиш” + 外交 waijiao “дипломатия”); 扩张主义 kuozhang zhuyi “*экспансионизм*” (扩张 kuozhang “босқинчилик ” + 主义 zhuyi “-изм”қўшимчаси) ва ҳ.к.

1.2. Ўзлаштиришнинг фонетик калька тури

Л.Блумфильд фикрича: “Чет тил сўзининг ўзлаштирилишида албатта баъзи-бир товушларнинг ўзгариши юзага келади, бунга кўра чет тил сўзининг шакли ўзлаштираётган тилнинг фонетик хусусиятларига кўра ўзгаради. Фонетик ўзлаштириш жараёнида сўзловчилар ўзга тил товушларини ўз тилдаги фонемалар билан алмаштирадилар” [20] . Деярли барча тилларда

[20]Блумфилд Л. Язык. - М., 1968.-116 б.

фонетик ўзлашмаларнинг ва калькаларнинг ҳар хил турлари борлиги аниқланган [21] . Шу билан бирга, ўзлашмаларнинг аралаш шакллари ҳам мавжуд. Бу каби шаклларда ҳам фонетик ўзлаштирмалар, ҳам калькалар уйғунлашади. Лекин турли тилларда ўзлаштиришнинг у ёки бу тури қўлланилиши жиҳатидан миқдори турличадир. Хитой тилида калька усули асосан илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий терминология тизимида ишлатилади. Аммо фонетик ўзлаштирмаларнинг сони хитой тилида нисбатан кам[22]. Гао Минкай ва Лю Чжэнтанларнинг берган маълумотларига қараганда, хитой тилида инсон фаолияти билан боғлиқ европа, мўғул, манчжур, тибет тилларидан кириб келган 900 фонетик ўзлашмалар мавжуд. Мазкур муаллифлар томонидан санксрит тилидан кириб келган 200 яқин фонетик ўзлашмалар ҳам қайд қилинган[23]. Хитой тилида фонетик ўзлашмаларнинг миқдори чекланганлигини мутахассислар турлича изоҳлашади [24]. Бир гуруҳ олимлар иероглифик ёзувнинг хусусиятлари ўзга тилдаги фонетик ўзлашмаларни ифодалашга тўсиқ бўлади, деб ҳисоблайди.

Бошқа гуруҳ тилшунослар эса бунга асосий тўсиқ, деб хитой тилининг фонетик тузилишини кўрсатишади. Масалан, Г.Габеленц “хитой тили иероглифик ёзуви ўзга тил товушларини ифодалаш учун унча мукаммал бўлмаган усулдир...”, деб айтади [25] . И..Кленин фикрига кўра, “хитой тилининг ўзга тил товушли ўзлашмаларини қабул қила олмаслигининг сабаби унинг иероглифик ёзувидадир” [26] . З.Новотна “Агар хитой тили келажакда янада мукаммаллашган хатни, яъни алфавитли хатни қўлласа, у ҳолда хитой тилининг лексик системаси четдан бўладиган таъсирларга

[21] Семенас А.Л.. Лексика китайского языка. М.: «Муравей», 2000 - 76 б.
[22] Жуғрофий номлар, этнонимлар, атоқли отлар истисно тариқасида. Бу сўзлар хитой тилига фонетик жиҳатидан мослаштирилади.
[23] Гао Мин – кай, Лю Чжен тань. Исследование заимствований в современном китайском языке. - Пекин, 1958.- 113 б.
[24] Гао Мин – кай, Лю Чжен тань. Исследование заимствований в современном китайском языке. - Пекин, 1958
Кленин И.Д.. Звуковые заимствования в современном китайском языке.// Труды военного института иностранных языков//- М., 1969, № 5
Чжан Цин-юань. Некоторые сведения, полученные в результате первичного анализа заимствований в современном китайском языке. –Шанхай : «Юйяньсюе луньцун», 1957, № 1.
Лю Цзесянь. Разве китайский язык не может иметь заимствований. – Пекин: «Чжунго юйвень», 1957, № 5.
Солнцев В.М.. Очерки по современному китайскому языку. - М.,1957.
[25] Gabelentz G.. Chinesische Grammatik. - Leihzig , 1881. – 21 б.
[26] Кленин И.Д. Звуковые заимствования в современном китайском языке. // Труды военного института иностранных языков.// - М., 1969, № 5.- 17 б.

очиқроқ бўлади ва янада кўпроқ халқаро элементларнинг қабул қилаолади", деб билади[27]. А.Шпринцин қуйидаги фикрни билдиради: "Хитой тилига ўзга тилдан ўзлашмаларнинг кириб боришига асосий тўсиқ унинг лингвистик системаси эмас, балки унинг ёзув системасидир "[28].

Иероглифлар чет тили ва хитой тили сўзларининг товушли таркибини ифодалашда қийинчилик туғдиради, чунки улар алоҳида товушлар ва ҳаттоки бўғинларни ҳам эмас, балки бир бўғинли сўзлар ёки бир бўғинли морфемаларни бир бутунлик сифатида ифода этолмайди. Хитой тилига ўзга тиллардан фонетик ўзлашмаларнинг кириб боришига тўсқинлик қилувчи омил - бу хитой тилидаги бўғиннинг морфологик (семантик) маънога эга эканлигида, деб қабул қилиш мумкин. Иероглиф ёрдамида ифодаланган ҳар бир бўғин алоҳида бир маънога эга эканлиги боис, иероглифнинг ўзи у ёки бу маъно билан ўзаро боғланади ва фақатгина бўғин (товуш)ларнинг фонетик ёзуви тариқасида қабул қилинмайди. Р.Форрест бу масала тўғрисида қуйидаги фикрни билдирган: "Хитойликларда бир товушни унинг маъносидан ажратган ҳолдаги кўринишда ёзиш усули мавжуд эмас. Аммо бу хусусият ҳар қандай тилнинг ёзувида бор. Масалан, бир қатор иероглифлар билан ифодаланган кўп бўғинли сўз ўқувчи учун қийинчилик туғдиради, чунки унда ушбу қатордаги ҳар бир иероглифнинг маъносини белгилаб чиқиш эҳтиёжи туғилади" [29] . Бу ҳақда З.Новотна "Хитой тилида сўзлашувчилар ўзлаштиришнинг бу туридан беҳабар ҳолда, ушбу сўзнинг график кўринишида умумий маънони ифодаламаган ёки нотартиб йиғма кўринишида бўлган ёзув белгиларнинг бир-бири билан маъно жиҳатидан боғлиқ бўлмаганлигини кетма-кетликдан кўради ҳолос", деб кўрсатган ва "Хитой иероглифларнинг 90 %га яқинини ташкил этувчи хитой фоноидеограммалар ёзилган морфема билан аниқ бир семантик алоқада

[27] Novotna Z.. Contributions to the study of Loan words and hybrid words in Modern Chinese. - " Archiv Orientalni" vol. 37. 1969. – 316 б.
[28] Shprintsin A.G.. Chinese-Russian Linguistic Contacts and Russian loan-words in Spoken Chinese. - "Contries and peoples of the Pacific Basin"(Summaries of articles by Soviet Scholars).- Moscow, 1971.- 78 б.
[29] Forrest R. A. The Chinese Language. - London , 1948.- 28 б.

бўлади”, деб изоҳлайди [30]. Хитой тили ўзга тилдаги сўзни фонетик тарзда ўзлаштираётганда, ушбу сўзни бўғинларга бўлади ва ҳар бир бўғинни иероглиф ёрдамида ифодалайди, масалан: 诺贝尔基金会 Nuo bei er jijinhui «Нобель жамғарма фонди» сўз бирикмасидаги «Нобел» сўзи. 伊斯兰会议组织 Yisilan huiyi zuzhi «Ислом Конференцияси ташкилоти» бирикмасидаги «Ислом» сўзи ва ҳ.к. Иероглиф бўғинни унинг товушли ифодаси ва семантикали кўринишини тасвирлайди. Ҳар бир фонетик ўзлаштирилган сўз хитой тилида бўғинлар мажмуаси кўринишида бўлиб, ҳар бир бўғин ўз маъносига эга бўлади ва бу маъно қолган бўғинларнинг маънолари билан ва умуман бутун сўзнинг умумий маъноси билан мос келмайди. Иероглифлар ёрдамида ёзилган фонетик ўзлаштирмаларни ўқиганда хитойлик, аввалombор, ҳар бир иероглифнинг маъносига ўз эътиборини қаратади, деб айтади Р.Форрест [31].

Юқоридаги фикрлар асосида хитой тилида бўғинларга бўлиш ҳодисаси семантик маънога эга бўлганлиги туфайли бу тилга фонетик ўзлаштирмалар кириб келиши чекланган бўлиши мумкин. И.Кленин фикрича, “Фонетик ўзлаштирмаларнинг хитой тилига кириб боришининг чекланганлигининг сабаби хитой тилидаги сўзларни кўп қисми икки бўғиндан иборат эканлигидадир. Яъни кўп бўғинли сўзлар хитой тилида нисбатан кам учрайди, шу сабабли кўп бўғинли чет тил сўзлари хитой сўзининг табиатига мос келмайди ва қабул қилиниши қийин кечади” [32]. Умуман, хитой тилига фонетик ўзлаштирмаларнинг қийинчилик билан кириб бориш жараёнини И.Ошанин, В.Солнцев, Р.Форрест, И.Кленин, З.Новотна А.Шпринцин ва бошқа тилшуносларнинг ишларида кўришимиз мумкин. В.Солнцев фикрича, “Хитой тилидаги бўғинлар миқдори ҳамда товушлар ўртасида ўзаро

[30]Novotna Z. Contributions to the study of Loan words and hybrid words in Modern Chinese. - “ Archiv Orientalni” vol. 37. 1969. – 316 б.
[31] Forrest R. A.. The Chinese Language. - London , 1948.- 45 б.

[32] Кленин И.Д. Звуковые заимствования в современном китайском языке. // Труды военного института иностранных

мосликнинг чекланганлиги бу тилга фонетик ўзлаштирмаларнинг кенг миқёсда кириб боришига тўсқинлик қилади”[33].

Хитой тилида фонетик ўзлаштиришнинг 3 тури мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

•тўлиқ фонетик ўзлаштирмалар (сўзнинг ҳар иккила тилда ҳам ўзаро тўлиқ шакли учрайди);

•тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштирмалар - чет тил сўзининг талаффузи хитой тили вариантидаги сўзнинг кўриниши, талаффузи билан яқин (ундош ёки унлилар ўзгариши ёки охирги ундошнинг тушириб қолдирилиши кузатилади);

- қисман фонетик ўзлаштирмалар - хитой тилидаги чет тил сўзининг манба тилдаги сўзнинг кўриниши ёки талаффузи билан қисман мос келиши (бу усулда ҳам унли, ҳам ундошлар ўзгариб, манба тилдаги ундошларга сўз ўзлаштирилаётган тилнинг унлиси қўшилиб келади) [34].

Юқоридаги тасниф бўйича фонетик ўзлаштириш усулини расмий тил терминларнинг ясалишидаги ўрнини кўриб чиқамиз.

Фонетик усул орқали ўзлаштирилиши халқаро ташкилотлар номлари билан боғлиқ контекстларда кўп учрайди, масалан:

- 法兰西共同体 falanxi gongtongti “*Франция Иттифоқи*” терминидаги

法兰西 falanxi “*Франция*” сўзи тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштирма бўлиб, ўзлаштирилиш жараёнида манба тилдаги ундош унлига айланган;

- 阿拉伯国家联盟 alaboguojia lianmeng “*Араб Давлатлари Лигаси*” таркибидаги 阿拉伯 alabo “*араб*” сўзида ундошнинг унлига айланганлиги кузатилади, бу эса, ўз навбатида, тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштиришдан далолат беради;

языков.//. - М., 1969, № 5.- 203 б.

[33] Солнцев В.М.. Очерки по современному китайскому языку. - М.,1957.-67 б.

- 安第斯条约组织 andisi tiaoyuezuzhi “*Анд Пакти Ташкилоти*” (安第 斯集团 andisi jituan) иборасидаги 安第斯 andisi *“Анд”* сўзи ҳам тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштириш бўлиб, бу мисолда ҳам ундош ва унлининг“斯 si” қўшилиб келиши кузатилади;

- 伊斯兰会议组织 yisilan huiyi zuzhi *“Ислом Конференцияси Ташкилоти”* 伊 斯 兰 yisilan *“Ислом”* сўзи тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштирма бўлиб, унлиларнинг ўзгаришини кузатиш мумкин ;

- 阿拉伯石油输出国组织 alabo shiyou shuchuguo zuzhi *“нефт экспорт қилувчи Араб давлатлари ташкилоти”* ;

- 诺贝尔基金会 nuobeier jijinhui *“Нобель жамғармаси”* иборасидаги 诺 贝 尔 nuobeier *“Нобель”* тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштирма ;

- 阿拉伯基金会 alabo jijinhui *“Араб жамғармаси”* ;

- 福特基金会 fute jijinhui *“Форд жамғармаси”* иборасидаги 福特 fute *“Форд”* ;

- 洛克菲勒基金会 luokefeile jijinhui *“Рокфеллер жамғармаси”* иборасидаги 洛克菲勒 luokefeile *“Рокфеллер”* ;

- 奥林匹克运动会 aolinpike yundonghui *“Олимпия ўйинлари”* иборасидаги 奥林匹 aolinpike *“Олимпия”* ;

[34] Иванов В.В. Терминология и заимствования в современном китайском языке. – М.: «Наука», 1973. - 63 б.

- 加勒比共同体 jialebi gongtongti *“Кариб хавзаси ҳамжамияти (КАРИКОМ)”*даги 加勒比 jialebi *“Кариб”* сўзи қисман фонетик ўзлаштириш йўли билан ҳосил қилинган. Бу мисолда унли ва ундошларнинг ўзгариб келишини, хитой тилидаги ўзлаштирма манба тилдаги сўзга фақат қисман ўхшашини кузатиш мумкин；
- 加勒比共同市场 jialebi gongtongshichang *“Кариб ҳавзаси умумий бозори”* иборасидаги 加勒比 jialebi *“Кариб ҳавзаси”*；
- 伊斯兰会议 yisilan huiyi *“Ислом конференцияси”* иборасидаги 伊斯 兰 yisilan *“ислом”*；
- 穆斯林国家首脑会议 musilinguojia shounao huiyi *“Ислом мамлакатлари давлат бошлиқларининг конференцияси”* иборасидаги 穆斯林；
- 阿拉伯首脑会议 alabo shounao huiyi *“Араб мамлакатлари раҳбарлари кенгаши”* иборасидаги 阿拉伯 alabo *“араб”* сўзларининг тўлиқ бўлмаган фонетик усул ёрдамида ўзлаштирилганлигини кўриш мумкин.

Келтирилган терминлар тўлиқ бўлмаган фонетик ўзлаштирмалар турига мансубдир. Хитой тилида ўзга тилдаги сўзлар билан тўла мос келиш ҳодисаси деярли учрамайди. Буни юқорида келтирилган дипломатик терминлар мисолида кўриш мумкин.

Фонетик ўзлаштирмаларнинг кўп қисми турли типдаги атоқли отлар ўртасида кенг тарқалган. Бу категориядаги сўзларнинг ўзлаштирилишида фонетик ўзлаштириш усулининг қўлланилиш фоизи бошқа усулларга қараганда анча юқори. Бу аввалombор атоқли отларнинг ўзига хос маънолари

билан изоҳланади. Атоқли отларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, улар талаффузга эга бўлиб, ҳеч қандай маънони ифодаламайди. Шу сабабали атоқли отларни одатда бошқа тилларга таржима қилиб бўлмайди. Бу сўзларнинг калька усули орқали ўзлаштириб олиниши мушкул. Масалан, дипломатик терминлогиянинг халқаро ташкилотлар, давлатлар, турли хил жамғарма фондларни номланиши билан боғлиқ сўзларда бу ҳолатни кузатишимиз мумкин: 诺贝尔基金会 *“Нобель жамғармаси”,* 洛克菲勒基金会 *“Рокфеллер жамғармаси”,* 联合国驻印度和巴基斯坦军事观察小组 lianheguo zhu Yindu he Bajisitan junshi guancha xiaozu *“Ҳиндистон ва Покистон ўртасида урушни тўхтатиш шартномасининг бажарилишини назорат қилувчи БМТ қуролли кучлари”*, 加勒比共同体 jialebi gongtongti *“Кариб хавзаси ҳамжамияти (КАРИКОМ)”* ва ҳ. к. Деярли барча дипломатик ҳужжатларда давлатларнинг номланишида ҳам айнан фонетик ўзлашмаларнинг қўлланилиши кўп учрайди, масалан: 中国和乌兹别克斯坦友好合作条约 *“Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстона ҳамкорликни ўрнатиш тўғрисидаги Битим”.*

Ўзга тилдаги атоқли отларни ўзлаштираётганда тил сўзнинг манба тилдаги асл кўринишини қабул қилади ва ўз фонетик тузилмасига мослаштиради. Шу сабабали, атоқли отларнинг ўзлаштирилишини мажбурий ўзлаштириш, деса бўлади.

Хитой тилида фақат 420 бўғинлар (оҳангли вариантларини ҳисобга олмаган ҳолда) мавжудлигини инобатга олсак, хитой тили ўзга тилдаги атоқли отлар талаффузини айнан шу миқдордан, чекланган товушли бўғинлар материали асосида ўзлаштириши мумкин[35]. Шу сабабли, атоқли отлар, жуғрофий номлар, ташкилотлар номлари орасида тўлиқ бўлмаган ва қисман фонетик ўзлаштирмаларнинг сони кўп. Бу ҳолатни дипломатик

[35]Иванов В.В. Терминология и заимствования в современном китайском языке. - М.:«Наука», 1973. – 70 б.

терминлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Демак, хитой тилига фонетик ўзлаштирмаларнинг кириб келишига таъсир этувчи асосий омил мазкур тилда фонемаларнинг бўғинли кўринишда ташкил этилишидир. Бу омил эса бўғинли бўлишнинг семантик маъноси билан чамбарчас боғлиқ.

1.3. Расмий тилда неологизмлар ва турғун ибораларнинг ўрни в аҳамияти

Тил билан боғлиқ бўлмаган омиллар ва тил анъаналари сабабли расмий иш турида ўзига хос бўлган лингвистик хусусиятлар, сўз ясашни функционал - стилистик нормалари вужудга келади. Халқаро ҳуқуқ терминлогияси, маълум бир ўринда ларда термин сифатида қўлланиладиган, стилистик жиҳатидан фақат расмий ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган лексик гуруҳларнинг янги сўзлар ва турғун иборалар билан бойиши кузатилмоқда. Шундай сўзларни бир нечтасини кўриб чиқамиз:

- *“Брифинг”* - 新闻发布会 xinwen fabuhui (新闻 xinwen

“янгилик”+ 发布 fabu “эълон қилмоқ” + 会 hui “йиғилиш”)– тор доирада мўлжалланган информацион мажлис (муҳим ҳалқаро ва давлат аҳамиятидаги масалалар бўйича). Ушбу сўз (to brief - резюмелаштирмоқ феълидан олинган ва «қисқа баёнот тузиш»), «бирон-бир масала, хабарнинг қисқача баёни» тарзида таржима қилинади.

- *“Суҳбат, диалог”* - 对话 duihua . 1960 йиллар

охирида дипломатия тили лексикасига янги маънода кириб келди ва икки ёки бир нечта давлатлар ўртасида олиб бориладиган музокаралар, алоқалар маъносида ишлатила бошлади. “Диалог” ёки “Суҳбат” сўзи («давлатлар ўртасида алоқалар, музокаралар» маъносида) баъзи-бир сўзлар билан турғун иборалар шаклини олди: « 和平对话 heping duihua *тинчлик*

суҳбати», « 政治对话 zhengzhi duihua *сиёсий суҳбат*».

- “Ҳамкор” - 合作者 hezuozhe – ушбу сўз янги маънога

эга бўлди: *«компаньон, бирор - бир сиёсий ёки тижорий бирлашманинг (давлатлар, мамлакатлар маъносида) иштирокчиси»*.

Ҳужжатлар гуруҳ лексикаси протокол ва халқаро анъаналар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу гуруҳдаги терминлар нисбатан барқарордир. Табиятни асраш, демография, эпидемия, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, миграция муаммолари, терроризм, экстремизм ва сепаратизм, наркобизнес ва наркотрафикка қарши кураш каби долзарб мавзулар дипломатик терминологияни янги сўзлар, қолипли бирикмалар билан бойишига сабаб бўлмоқда. Расмий ҳужжатларда доимий типдаги матн мавжудлиги боис, уларда тайёр қолипли бирикмалар – клишеларнинг ишлатилиши кўп учрайди. Улардан бир нечтасини кўриб чиқамиз:

“Ўзаро тинч тотув яшаш” 和平共存 hepinggongcun.

- Ушбу қолипли бирикмалар халқаро ҳужжатларда

пайдо бўлиб, 1960 йиллардан бошлаб матбуот тилида ишлатила бошланди.

- *“Энг кўп қулайлик яратиш принципи (сиёсати, шарти)*

最惠国待遇 zui hui guo daiyu – ушбу қолипли бирикмалар халқаро ҳужжатларда яқиндагина пайдо бўлиб, «савдо - сотиқ, иқтисод, транспорт, молия, божхона ва маданий алоқалар учун энг қулай шарт - шароитлар яратиб бериш, ушбу масалаларда ёрдам кўрсатиш» маъносида ишлатилади.

Расмий ҳужжатлар ва халқаро мавзудаги газеталарда қолипли бирикмалар ишлатилишининг кенгайиши кузатилмоқда. Масалан, *“ривожланаётган давлатлар”* 发展中的国家 fazhan zhongde guojia ибораси билан бир қаторда *“учинчи дунё давлатлари”* 第三世界国家 disan shijie

guojia, *“учинчи дунё халқлари”* 三世人民 sanshirenmin каби қолипли бирикмалар қўлланилмокда. Умуман қолипли бирикмаларнинг ишлатилиши асосан расмий ҳужжатларнинг икки томонлама битимлар туринининг кириш қисмида кўпроқ қўлланишини кузатиш мумкин. Масалан:

1. Икки давлат ҳукумати ва халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мамнунлик билан баҳолаб,

满意地回顾了两国政府和两国人民之间的友好关系

2.*Тараққиёт ва барқарорликни қўллаб – қувватлашга ёрдам бериш,*

有助于维持繁荣与稳定,

3.*Янги негиз асосида икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожланиши ва мустаҳкамланишига пойдевор яратиш,*

有助于两国关系在新的基础上进一步恐固和发展

4. *Икки давлат ҳукумат делегациялари музокаралари натижасида қуйидагиларга келишилди,*

经过两国政府代表团的会议，同意声明如下

Турғун ибораларнинг расмий ҳужжатларда қўлланилишини Ўзбекистон ва Хитой Битимининг кириш қисми мисолида кўриш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси Ахдлашувчи Томонлар деб номланиб,

乌兹别克斯坦共和国和中华人民共和国（以下简称“缔约双方”），

Wuzibiekesitan gongheguo he zhonghuarenmingongheguo (yixiajiancheng “diyueshuangfang”)，

2. Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги тарихий дўстона анъаналарга таянган ҳолда，

基于乌中两国人民睦邻友好的历史传统，

Jiyu wuzhong liangguo renmin mulin youhaode lishi chuantong，

3.*1992 – 2002 й.й. мобайнида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган қўшма баёнотлар ва баённомалар икки томонлама алоқаларнинг ривожида катта моҳият касб этишини назарда тутиб,*

认为一九九二年至二零零二年期间两国元首签署和通过的乌中联合宣言和声明对发展双边关系具有重要意义，

Renwei yijiujiuernian zhi erlinglingernian qijian liangguo yuanshou qianshu he tongguo de wuzhong lianhe xuanyan he shengming dui fazhan shuangbian guanxi juyou zhongyao yiyi，

1. Турли соҳаларда дўстона ҳамкорлик ўрнатилиши, алоқаларни мустаҳкамланиши иккала давлат халқларининг хоҳиш – истаги бўлиб, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликнинг Осиё давлатлари ва бутун дунёда ўрнатилишига ёрдам беришига хизмат қилишига ишониб,

坚信巩固两国间各个领域的友好，睦邻与互利合作符合两国人民的根本利益，有利于维护亚洲仍之世界的和平，安全与稳定，

Jianxin gonggu lianguojian gege lingyude youhao , mulin yu huli hezuo fuhe liangguo renminde genben liyi , youliyu weihu yazhou rengzhi shijiede heping, anquan yu wending ,

2. БМТ Устави ҳамда бошқа халқаро шартномаларда қайд этилган мажбуриятларни тасдиқлаган ҳолда,

重申各自根据“联合国宪章”及其参加的其它国际条约所承担的义务，

Zhongshen ge zi genju “lianheguo xianzhan” jiqi canjia de qita guoji tiaoyue suo chengdande yiwu,

3. Икки давлат ўртасидаги муносабатларни янги сифат поғонасига кўтаришга, икки халқ ўртасидаги дўстона алоқаларни авлоддан-

авлодга ўтказишга кўмаклашишга интилиб қуйидагилар тўғрисида ўзаро келишилди:[36]

致力于将两国关系提高到崭新的水平，决心使两国人民间的友谊世代相传，兹达成协议如下。。。

zhiliyu jiang liangguo guanxi tigaodao zhanxinde shuiping, juexin shi liangguorenminjiande youyi shidai xiangchuan , zidacheng xieyiruxia...

Бундан ташқари, расмий ҳужжатларнинг кириш қисмида қуйидаги турғун ибораларнинг қўлланилиши кузатилади:

1. Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатлилик, давлатнинг ички ишларига аралашмаслик ҳамда суверенитетни ҳурмат қилиш асосида ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига интилиб ,[37]

愿意在平等互利，互不干涉内政，互相尊重主权的基础上进一步发展两国之间的合作

Yuanyi zai pingdeng huli, hubuganshe neizheng, huxiang zunzhong zhuquande jichushang jinyibu fazhan liangguo zhijiande hezuo

2. Икки давлат ўртасида савдо – сотиқ ва маданий – маънавий алоқаларни ривожлантириш мақсадида, [38]

为了促进两国之间的通商贸易和文化交流起见

Weile cujin liangguo zhijiande tongshang maoyi he wenhua jiaoliu qijian

3. *БМТ Уставидаги тамойиллар ва қоидалар, шунингдек ушбу қоидалар ва тамойилларнинг доимий тарзда амалга оширилишини ва қўлланилишини таъминлаш борасидаги ўзаро журъатни эътироф этган*

[36] ХХР ва Ўзбекистон Республикаси қўшма баёноти./ http: russian. people. com. cn/31519/2575322.html/ 2004.
中华人民共和国与乌兹别克斯坦共和国双边关系文件汇编 1992 – 2002。- 北京，2002。 - 26 – 31 б. (ХХР ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1992 – 2002 йил мобайнида битилган икки томонлама дипломатик ҳужжатлар тўплами. – Пекин, 2002.- 26-31 б.).
[37] ХХР ва Ўзбекистон Республикаси қўшма баёноти./ http: russian. people. com. cn/31519/2575322.html/ 2004.
中华人民共和国与乌兹别克斯坦共和国双边关系文件汇编 1992 – 2002。- 北京，2002。 - 27 页。(ХХР ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1992 – 2002 йил мобайнида битилган икки томонлама дипломатик ҳужжатлар тўплами. – Пекин, 2002.- 27 б.).
[38] Кўрсатилган манба.- 28 б.

ҳолда, [39]

重申彼等对联合国宪章 宗旨和原则的信念以及壁灯一贯竭力应用并实施此项宗旨和原则的决心

Zhong shenbi deng dui lianheguo xianzhang zongzhi he yuanzede xinnian yiji bideng yi guan jieli yingyong bing shishi ci xiang zongzhi[he yuanzede juexin

4. Ушбу мақсадда улар мазкур битимни тузиб, ўзларининг вакилларини белгилаб бердилар.

为此目的，他们决定缔结 本条约，并各派全权代表如下

weici mudi, tamen jueding dijie ben tiaoyue, bing ge pai q1uanquan daibiao ruxia

5. Икки тараф мухтор вакиллари тўлиқ шакл ва қонун – қоидаларга мос равишда тузилган ўзаро ваколатлар алмашинувидан сўнг қуйидагилар ҳақида келишдилар:[40]

拴方全权代表互相校阅全权证书认为后，议定下列条约。。。

Shuangfang quanquan daibiao huxiang jiaoyue quanquan zhengshu renwei huo, yiding xialie tiaoyue…

Битимнинг асосий қисми индивидуал характерга эга бўлганлиги сабабли, бу ерда турғун ибораларнинг қўлланилиши нисбатан чекланган.

Битимни якуний қисмида турғун иборалар қўлланилиши кузатилиб, улар битимнинг кучга кириш борасидаги расмиятчилик билан боғлиқ. Асосан қуйидаги турғун иборалар ишлатилиши кузатилади:

- 条约需尽批准 tiaoyue xujin pizhun *“битим ратификация қилиниши керак”*;

- 本条约需尽速批准 ben tiaoyue xujin supizhun *“мазкур битим қисқа вақт ичида ратификация қилиниши лозим”*;

[39] Кўрсатилган манба.- 27 б.
[40]Кўрсатилган манба.- 28 б.

- 本条约自交换批准书之日生效，批准书在。。。市互换 Bentiaoyue zi jiaohuan pizhunshu zhiri shengxiao, pizhunshu zai … shi huhuan *“битим ....шахарда бўлиб ўтадиган ратификация ҳужжатлари билан алмашинуви кунидан бошлаб кучга киради”*;

- 本条约自生效之日起有效期为。。。年 ben tiaoyue zi shengxiaozhiriqi you xiaoqiwei … nian *“мазкур битим кучга кирган кундан бошлаб ... йил мобайнида амалда бўлади”*;

- 条约正本交存于。。。档案库 tiaoyue zhengben jiaocunyu … danganku *“битимнинг асл нусхаси архивда сақланиши учун топширилади”;*

- 经适当方式验证的本条约副本由存约国政府分送本条约个签署国和参加国政府 Jing shidang fangshi yanzhengde ben tiaoyue fuben you cunyueguo zhengfu fensong ben tiaoyue ge qianshuguo he canjiaguo zhengfu *“мазкур битимнинг тасдиқланган нусхалари қонун – қоидаларга мос равишда депозитор – ҳукумат томонидан битим имзоланишида иштирок этган ва битимга қўшилган давлат ҳукуматига юборилади”*;

- 本条约有效期为。。。年。如在期满前一年缔约一方未表示希望废除本条约时，则本条约将继续有效 5 年，并依次法顺延之 Ben tiaoyue you xiaoqiwei … nian. Ru zai qimanqian yinian diyue yifang mo biaoshi xiwang feichu ben tiaoyueshi , zeben tiaoyue jiang jixu youxiao 5 nian, bing yicifa shun yanchang *“битим . . . йил давомида амалий кучда эга бўлади. Агар Аҳдлашувчи Томонлардан бири муддатнинг тугашидан бир йил олдин битимнинг бекор қилиниши тўғрисида хоҳиш - иродасини билдирмаса, битим кейинги 5 йил мобайнида ўзгармас тарзда кучга эга бўлади ва ушбу муддат юқоридаги қоидага мос равишда узайтирилади”*;

- 本条约在（某时），（某地）签订，共。。。份（一式。。。份），

美份均以。。。文写成， 各种文体具有同等效力（同等准确）。Ben tiaoyue zai (moushi), (moudi) qianding , gong …fen (yishi …fen), meifenjun yi …wen xiecheng, ge zhong wentiju you tongdeng xiaoli (tongdeng zhunque) *“мазкур битим (қаерда), (қачон) .... нусхада имзоланиб, ҳар бир нусха ... тилларда ёзилган бўлиб, улардаги матнлар тенг кучга эга (аслига тўғри)”*.

Қолипли бирикмаларнинг вужудга келиши мунтазамлик тенденциясига боғлиқ. Ушбу усул сўз қўшиш усулида мавжуд бўлган қонун - қоидаларга кўра ҳосил бўлган, фақат бунда қолипли бирикмалар таркибидаги сўзларнинг ўзаро қўшилиши кузатилади (морфемаларнинг эмас) [41].

Расмий ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган лексиканинг қолипли бирикмалар ва янги сўзлар билан бойиш тенденцияси кузатилмоқда. Ҳужжатлар лексик гуруҳи дипломатик протокол ва халқаро анъаналар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли терминлар нисбатан барқарордир.

Қолипли бирикмалар расмий битимларнинг кириш қисмида кўпроқ қўлланилишини кузатилади. Битимнинг асосий қисми индивидуал характерга эга бўлганлиги учун, қолипли бирикмаларнинг қўлланилиши нисбатан чекланган. Битимнинг якуний қисмида одатда қолипли бирикмалар қўлланилиши кузатилади. Уларнинг қўлланилиши битимнинг кучга кириш борасидаги расмиятчилик билан боғлиқ.

2.БОБ. ХИТОЙ ТИЛИ РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

[41] Фролова О.П.. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. –Новосибирск : Изд.

Ҳозирги хитой тилида битилган расмий ҳужжатлар таркибида ўзига ҳос стилистик ва грамматик ҳусусиятларга эга. Стилистик ҳусусиятлари жиҳатидан ёзишмалар ўз атамалар тизимига, қолиплашган турғун бирикмаларига, синоним, антонимлар каби турли ифода воситаларига эгалиги, рамка шаклидаги конструкцияларга бойлиги билан характерлидир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, хизмат хатлари ҳиссий-бўёқдор сўзлардан ҳоли бўлиши талаб этилса, расмий ёзишмалар, аксинча, экспрессив, ҳиссий - бўёқдор, мақтов ва илтифот сўзларга эгалиги билан ажралиб туради. Мақтов сўзлари ёзишмаларнинг нота баёнотларнинг зарурий қисмларидан бири ҳисобланади. Уларнинг оз ёки кўп қўлланишига кўра ушбу ҳужжатлар маълум бир турларга ажратилади.

2.1. Расмий ҳужжатларда кенг ишлатиладиган рамка шаклидаги грамматик қолиплар

Расмий тил доирасида ишлатиладиган грамматик конструкциялар, яъни қолиплар баъзан ҳужжатнинг умумий маъносини тубдан ўзгартириб юбориш ҳусусиятига эга. Шу туфайли ушбу конструкцияларни таҳлил қилиш илмий тадқиқот ишмизнинг бир қисмига айланди. Расмий соҳадаги, айниқса ШҲТ доирасида имзоланган ҳужжатларни таҳлилини олиб бориш жараёнда энг кўп қзлланилган грамматик қолиплардан бир нечтасини тадқиқотимиз объекти сифатида танлаб олинди. Қуйида уларани бирма -бир таҳлил қилиб кўрамиз:

1) От сўз туркуми , отли бирикма +之前/之后

Феъл сўз туркуми, феълли бирикма

«… 之 前 » **«… 之 后 »** маълум бир вақт бирлигини ифодалашда қўлланилади, воқеа- ҳодиса муддатдн олдин ёки кечроқ содир бўлишини, маълум бир

«Наука»,1981. – 39 б.

жой объектдан олдин ёки кейин жойлашганини ифодалшда қўлланилади.

Масалан:

1 下午五点之前,我在礼堂有会以. вақт +之前

Кечқурун соат бешдан сўнг мен расмий учрашувни белгилаганман.

2 出了楼是礼堂楼, 礼堂楼之后是外交部楼. жой + 之后

Бинодан чиққач, даставвал музокаралар биносини, сўнг Ташқи Ишлар Вазирлиги биносини кўрасан.

3 会以之前给我打个电话确认一下. феъл +之前

Мажлисдан олдин менга қўнғироқ қилиб қўй.

4 儿子大学毕业之后,直接考了研究生. Феълли бирикма +之后

Университетни якунлагач ўғлим магистратура босқичига ўқишга қабул қилинди.

1. **«…之前» ва «…之后»** конструкциялари одатда «*дан олдин*» ёки «*дан кейин*» каби маъноларни ифодалайди, бунда нафақат вақт балки жой, ҳодиса ҳақида ҳам фикр юритилаётган бўлиши мумкин. Ушбу конструкциялар одатда ёзма тилда кенгроқ ишлатилади.

1) От сўз туркуми/ отли бирикма + 之上/之下

«…之上» «… 之下» “дан устун” ёки “дан суст, камчилиги бор” деган маъноларни беради. Бунда масаланинг, воқеанинг муҳимлиги, долзарблиги ҳақида ёки аксинча маънолар ҳам ифодаланиши мумкин.

Масалан:

1 不能把个人的利置于集团利益之上.

Бир инсонни бутун бир жамиятдан муҳим деб кўриш мумкин эмас.

2 小王虽然刚大学毕业,可学术水平不在那些研究生之下.

Сяо ван ендигина университетни тугатган бўлса ҳам, унинг билим даражаси академикларникидан кам емас.

1. «**… 之 上** » «**… 之 下** » конструкцияси одатда ёзма нутқда ишлатилади.

2. Ушбу конструкциядан олдин кўпинча 在 ва 于 предлоглари келади.

2) От / от сўз бирикмаси + 之中

Феъл / феъл сўз бирикмаси….之中» аниқ доира ёки чегарани билдиради.

Масалан:

1 校园之中有许多有意思的地方. Жой чегараси.

Институт ҳовлисида кўпгина қизиқарли жойлар бор.

2 假期之中他参加了许多博物馆. Вақт доираси.

Таътил вақтида у кўпгина музейга борди.

3 我的计划之中没有这个项目. Ходисага тегишли чегара

Менинг режаларимда бу қисм йўқ .

4.我们在风雨之中走了五个小时. Шарт, ҳолат, вазият.

Биз шамол ва ёмғирда 5 соат юрдик.

5.在研究过程中我们发现了许多新问题.

Ўрганиш пайтида биз кўплаб янги савол(муаммо)ларни аниқладик.

(аниқ белгиланган шароитда содир бўлган вазият)
6 .比赛还在进行之中.

Мусобақа ҳали ҳам давом етаяпти.

(Иш ҳаракатининг давом етаётганлигини кўрсатиб, 在 предлоги билан қўлланади.)

1. «…. 之 中 » конструкцияси битта иероглифли сўзлар билан қўлланилмайди, мисол учун «在河之中» ёки «家之中» дейиш мумкин эмас.

2. «….之中» одатда ёзма нутқда қўлланади, оғзаки нутқда еса «…. 里» конструкциясидан фойдаланилади. масалан: 假期里他参加了不少博物馆.

3) 在 + от / от сўз бирикмаси + 以前

Феъл / феъл сўз бирикмаси

« 在…以前» конструкцияси олдинги вақтнинг бир бўлагини кўрсатади.

1 .十二点以前我不在家.

Соат 12 дан олдин мен уйда бўлмайман.

2.(在)天黑以前你一定要回来.

Уйга албатта кун қоронғулашишидан олдин қайтишинг керак.

3 请在上课以前把作业交给老师.

Илтимос уй ишилирни дарс бошланишидан олдин ўқитувчингизга беринг.

«在…以前» конструкцияси оғзаки нутқда қўлланилади, баъзи пайтларда «在…前» деб қўллаш ҳам мумкин. Ёзма нутқда 在…之前 конструкцияси қўлланилади, баъзи пайтларда 在 предлоги тушириб қолдирилади.

4) 从 + жой / позицион ифода + 出发

от / от сўз бирикмаси

«从…出发» конструкцияси жўнаб кетиш пунктини ёки ўйланган савол асосини билдиради.

1.他们准备从北京出发步行去拉萨.

Улар Пекиндан Лхаса(шахар)гача пиёда боришга тайёрланяптилар.

жой / позицион ифода + 出发 , жўнаб кетиш пунктини ифодалайди.

2.我们考虑问题要从实际情况出发.

Биз саволни ўйлаётганда реал ҳолатдан келиб чиқишимиз керак.

从+ от / от сўз бирикмаси + 出发 , асосни ифодалайди

5) 到+ вақт / жой 为止

«到… 为止» конструкцияси иш ҳаракати ёки воқеа ҳодисанинг охирги қисмини ифодалайди.

1.到上学期期末为止,他们已经学完三本书.

Олдинги семестрнинг охирига қадар улар 3 та китобни ўқиб тугатди.

到+ вақт 为止, иш ҳаракати белгиланган вақтгача содир бўлади.

2.路标就画到学校门口为止.

Йўл белгилари мактаб дарвозасигача чизилган.

到+ жой 为止, иш ҳаракати аниқ белгиланган чегарада содир бўлади.

« 到 … 为 止 » конструкцияси гапда кесимдан олдин келиб, ҳол вазифасида , ва яна феълли кесимдан кейин келиб тўлдирувчи вазифасида келади.

6) **当** + Феъл / феъл сўз бирикмаси + **的时候**

«当 …. 的时候» конструкциясида одатда бошқа холатнинг вақтини кўрсатиш учун вужудга келган ҳолатнинг вақтида ишлатилади. Гапларда хол вазифасида келади.

1.当警察赶来的时候,他已经离开了.

Милиция ҳодимлари келгунича, у аллақачон кетиб қолган еди.

2 . 当大家休息的时候,有些人在工作.

Ҳамма дам олаётган пайтда, базилар ишлаяпти.

1.«当 …. 的时候» одатда ёзма нутқда ишлатилади, оғзаки нутқда 当 тушириб қолдирилиб « …. 的时候» қўлланилади. Кесимдан олдин келиб хол вазифасини бажаради.

2. « 当 …. 的 时 候 » конструкциясида ёрдамчи сўз 的 қўллашни унутмаслик керак, «….时» қисқартирилган конструкцияси келганда 的 . Бошқа сўзлар билан, масалан, «当警察赶来时候» ва «警察赶来的时» дейиш нотўғри.

8) **从+ от / от сўз бирикмаси + 以后**

Феъл / феъл сўз бирикмаси

«从… 以后» аниқ белгиланган вақтни ёки иш ҳаракатни бажарилиб бўлиб янги ходиса бошланганини билдиради.

1.从去年七月以后,这儿就没下过雨.

Ўтган йили июль ойидан бошлаб бу ерда ёмғир ёғмади.

2. 从他去美国以后,我们一直没见过面.

У Америкага кетгандан буён биз ҳалигача кўришмадик.

Гапда 从 предлогини тушуриб қолдирса бўлади. масалан, «年七月以后» , «他去南方以后».

9) **在 + от / от сўз бирикмаси +上**

Мажҳул от / феъл

« 在…上» конструкцияси иш ҳаракатини бошланишини билдиради ёки фаолият жойига, муҳитига ёки доирасини кўрсатади.

Кесимдан олдин келса ҳол вазифасида келади.

1.他在椅子上坐着. Бўшлиқдаги жойни билдиради.

У стулда ўтирибди.

2.这种事在历史上很常见. Муҳитни билдиради.

Бундай ишлар тарихда кўп учрайди.

3.他在孩子的教育上很下工夫. Доирани билдиради.

У фарзандининг тарбиясига жуда катта куч сарфлади.

10) **在 + от / от сўз бирикмалари билан воситасиз муносабати +下**

«在 …下» конструкцияси нарса ёки шахснинг жойи, вазияти ёки шароитини билдиради.

1.有人在楼下等你. Жойни билдиради

Сени кимдир пастда кутиб турибди.

2.在艰苦条件下,人们的精神世界依然很丰富. Шартни билдиради.

Қийин шароитда, инсонларнинг руҳий олами олдингидай бой.

3 在朋友们的帮助下,他 终于成功了. Шароитни билдиради

Дўстларининг ёрдами билан, у нихоят натижага еришди.

11) 在 + от / отли сўз бирикмаси + 中

Феъл / феъл сўз бирикмаси

«在…中» конструкцияси вақт чегараси бор бўлган иш ҳаракатини ёки ҳолатини содир бўлганини билдиради.

1.在一届同学中,他最有前途. Чегара ҳолатини билдиради.

Курсдошларининг орасида у енг келажаги бор ўқувчи.

2. 在研究中,我们遇到过很多困难. Иш ҳаракатининг жараёнини билдиради.

Ўрганиш жараёнида биз кўпгина қиёинчиликларга дуч келдик.

3.在读大学的四年中,他一次课也没缺. Вақт чегараларини билдиради.

Университетда 4 йил ўқиш пайтида у битта ҳам дар қолдирмади.

12) 在 + от / от сўз бирикмаси + 方面

Феъл / феъл сўз бирикмаси

«在…方面» конструкцияси берилган гапнинг муҳитини билдиради.

1.他在敦煌学方面是个专家.

У дуньхуаншунослик бўйича мутаҳассис.

2 .小王在与人交往方面有很大进步.

Одамлар билан мулоқот борасида Сяо Ванда жуда катта ўсиш бор.

13) 以 A 为 B

«以…为….» конструкциясининг синоними « 把…..当作(作为)…..» ёки «认为…..是….»

1.小学生应以长知识,长身体为主要任务.

Мактаб ўқувчилари учун билим олиш ва соғлиқни сақлаш енг муҳим шартдир.

2.六十年代的人们都以雷锋为榜样.

Барча 60 йил халқи Лэй Финни мисол қилади.

14) A+由+A1+A2+….组成

« 由 …. 组 成 » конструкцияси ҳодиса тузилишининг элементларини тасвирлаш учун қўлланилади.

1.这所大学由十个系组成.

Бу университет 10 та факултетдан ташкил топган.

2.这套课本由四本书组成.

Бу комплект 4 та китобдан иборат.

Бу конструкция кўпинча ёзма нутқда ишлатилади, оғзаки нутқда еса 有: «这套书有四本» ишлатилади.

15) 要是 A 的话

«要是…的话» тахмин, гумонни билдириб “агар” сўзига синоним бўлади.

1.要是见到王老师的话,请想他问好.

Агар устоз Ванни учратсангиз, илтимос унга салом айтинг.

Гапнинг бошида ишлатгандек охирида ҳам ишлатса бўлади.

2.请你帮我买一本 «现代汉语词典», 要是你方便的话.

Менга "Замонавий хитой тили луғати"ни сотиб олишвор илтимос, агар сенга қулай бўлса албатта.

«要是…的话» бу конструкция оғзаки тилда ишлатилади, 要是 нинг ўрнига 如果 : «如果…的话» ни қўллаш мумкин, яна конструкциянинг охирги қисмини ёки боши «…的话», «要是» ни тушириб қолдириш ҳам мумкин. Ёзма тилда 如果 қўлланилади.

16) 一来+原因 1/目的 1+二来+原因 2/目的 2

« 一来…..二来……»

Ушбу конструкция гапнинг сабабини ёки мақсадини боғлаб, 2 та сабаб ва 2 та ҳар хил мақсадни кўрсатади.

1.我来中国留学一来可以学习汉语,二来可以了解中国文化.

Мен Хитойга биринчидан хитой тилини ўрганиш,иккинчидан Хитой маданияти билан танишиш учун келганман.

2.下午我要到西单一来去图书大厦买几本书,二来想看场电影.

Пешиндан сўнг мен Си Данга биринчидан кутубхонадан бир нечта китоб олгани, иккинчидан кино кўргани боришим керак.

17) 拿+ от / от сўз бирикмаси + 来说

«拿 … 来说» бу конструкция мисол келтириш конструкцияларидан биридир, у бази томонлардан суҳбат мавзусини кўтаради.

1.这孩子进步很大,拿学成绩来说,已经从班里的第 20 名上升到 5 名了.

Бу болада ўсиш жуда катта, ўқиш натижаларини кўрадиган бўлсак, гуруҳ бўйича 20 ўриндан 5 ўринга чиқиб олди.

2.他的表达能力还较差,拿他的工作来说,还不能写清楚一件事情的经过.

Унинг ўз фикрини ифода етиш кучи бироз паст, унинг ишини олиб қарайдиган бўлсак, ҳали бир ишни аниқ ёзиб бера олмайди.

18) 对+ шахс / факт(воқеа, ҳодиса) + 来说

«对… 来说» шахс ёки воқеа ҳодисанинг бирор бир саволга бўлган нуқтаи назарини кўрсатади.

1.花 50 块钱买一本书对他来说并不难.

50 куаи пул сарфлаб битта китоб сотиб олиш у учун қийин эмас.

2.听和说对学外语来说很重要.

Чет тилини ўрганиш учун ештиш ва гапириш жуда муҳим.

19) 在+ одамга / олмошга урғу берувчи от + 看来

«在… 看来» аниқ бир одамнинг ёки бази шахсларнинг нуқтаи назарини кўрсатади.

1.在很多人看来,抽烟是很好的享受.

Кўп одамларнинг нуўтаи назарига кўра, чекиш инсонга ҳузур бағшлайди.

2.在医生看来,吸烟对身体的害处很大.

Шифокорларнинг нуқтаи назарига кўра, чекишнинг соғлиққа зарари жуда катта.

20) 为+ от / от сўз бирикмаси 所+феъл

«为… 所…» конструкцияси « 被+ от / от сўз бирикмаси + феъл» конструкциясига синоним

1.所有的听众都为他的一番话所感动.

Барча тингловчилар унинг гапларидан ишди.

2.这一点已为事实所证明.

Бу фактлар билан исботланган еди.

1. 为 дан кейин албатта тўлдирувчи бўлиши шарт.

2. «为… 所…» конструкцияси ёзма нутқда қўлланилади, шунингдек яна « 被 … 所 …» конструкциясини ҳам қўллаш мумкин. Оғзаки нутқда 被 қўлланилади. Феълдан кейин, 所 дан кейин кўпинча икки иероглифли сўз келгани мақул,феълдан кейин бошқа элементлар қўйиш мумкин эмас. Масалан, « 人们为他的话所感动» ни « 人们为他的话所感动住了» дейиш мумкин эмас.

21) 为 +от / феъл + 而 + феъл

« 为 … 而 …» бирор бир мақсадга еришиш учун ҳаракат қилишни кўрсатади.

1.毕业生们正在为找工作而四处奔走.

Битирувчилар ҳозир иш топиш мақсадида югуриб юрибди.

2.他每天都得为全家的生活而努力工作.

У ҳар куни оиласининг яшаши учун астойдил ҳаракат қилиб ишлаши керак.

« 为 … 而 …» ёзма нутқ конструкцияси ҳисобланади, оғзаки нутқда одатда 为了 ёки 为 қўлланилади.

22) 不知+ сўроқ олмоши/феъл-равишли сўз бирикмаси + 才好

«不知… 才好» бирор бир вазиятга дуч келган шахснинг қандай қарорга келиши ёки нима қилишни билмаётганини кўрсатади.

1.他太高兴了,不知说什么好.

У жуда хурсандлигидан нима дейишни билмаяпти.

2. 他吓得不知怎么办好.

У қўрқиб кетганидан нима қилишни билмаяпти.

23) 跟+ ўзлиг олмоши / шахсни кўрсатувчи от+ 过不去

«跟… 过不去» инсонни қийин вазиятга қўйганидан, у ўзини жуда ноқулай ҳис қилишини кўрсатади.

1.放心,你也不是成心,他不会跟你过不去的.

Ҳотиржам бўл,сен атайин қилмадингку, у сендан хафа бўлмайди.

2.小孩子不懂事,说话不中听,你别跟他过不去.

Ёш бола бу ишларни тушунмайди, гапирсанг тўғри тушунмайди, уни ҳижолатга қўйма.

24) 应+ шахс / ташкилот + 的 邀请

«应…. 的邀请» конструкцияси «接受….的邀请»-« таклифи билан» конструкция маъносини кўрсатади.

1.应王教授的邀请,我们明天去他 家作客.

Профессор Ваннинг таклифига кўра ертага биз унинг уйига меҳмонга борамиз.

2.应江泽民邀请,A 总统将于今年 9 月来中国访问.

Цзян Цзэмин сентябр ойида Хитойга ташриф буюради.

Агар гапда «应…. 的邀请» ва «应邀请» конструкциялари келган бўлса, унда гапнинг биринчи қисмида албатта шахс берилиши шарт, иккинчи қисмида еса уни расмий равишда еслаш шарт емас: 我们应邀请去他 家作客.

25) 不 + A +不+B

“不 …不…” мўтадилликни билдиради.

1.现在的天气不冷不热,很合适做户外运动.

Ҳозир об ҳаво совуқ ҳам эмас, иссиқ ҳам эмас, ҳавода спорт билан шуғулланиш учун жуда мос.

2.你回来得不早不晚,正好吃晚饭.

Сен кеч ҳам қолмадинг, вохли ҳам келмадинг, айни кечки овқат пайтига келдинг.

3.那个大坑不左不右,在路正中间.

Анави катта чуқур сал чапроқда ҳам эмас, ўнгроқда ҳам эмас, айнан йўлнинг ўртасида.

“不 …不…” конструкциясида А ва В кўпинча сифат ёки йўналишни билдирувчи сўзлар бўлади, бунинг сабаби шуки, улар маъно жиҳатдан жуда мос.

26) феъл 1 +来+ ф еъл2 +去

Бу конструкция кўп марта қайтариладиган ҳаракатни, ёки ҳаракатнинг узлуксиз занжирлигини билдиради.

1.他在房间里走来走去,样子很烦躁.

У хонасида у ёғдан бу ёққа юрарди, кўриниши жуда асабий.

2.他研究来研究去,终于弄明白了 那个闹钟的构造.

У ҳар қанақасига ўрганиб кўрди, охири будилникнинг тузилишини тушуниб етди.

Кўпинча конструкциянинг биринчи ва иккинчи сўз ўрнида бир хил феъл туради, лекин базида маъно жиҳатдан бир бирига яқин сўзлар ҳам келиши мумкин, масалан :

1.他们研究来讨论去也没有结果.

Улар ҳар қанақасига ўрганишди, муҳокама қилишган бўлса ҳам натижа йўқ.

2.我思来想去觉得不把钱借给他比较好

Мен ҳар қанақасига ўйлаб ўйлаб, унга қарзга пул бермасам яхшироқ деган фикрга келдим.

27) «说+ феъл 就+ феъл »

« 说 … 就 ….» конструкцияси нимани ҳохласа шуни қилишини билдиради, ёки вазиятнинг ҳохлаган вақтда вужудга келишини кўрсатади.

1.我说干就干,很快就把房间收拾整齐了.

Мен қиламан дедимми, демак қиламан, дарҳол ҳонасини тартибга келтирди.

2.你怎么说走就走,连个招呼也不打呢?

Кетаман деб кетвордингми, хаттоки саломлашмадинг ҳам а?

1. «说…就….» конструкциясида иккала феъл ҳам бир хил сўз бўлиши керак.

2. « 说 … 就 ….» конструкцияси одатда ўйламасдан қилинган харакатни ёки нимадир қиламан дегач албатта қилиш кераклигини билдиради, 就 дан олдин базида 会, 能 модал феъллари келади, масалан:

1.对普通人来说,房子不是说买就能买的.

Оддий одамлар учун, агар уй сотиб олиш керак деса, дарҳол сотиб олади дегани эмас.

2 .他说来就会来.

Агар келаман деган бўлса, демак келиши мумкин.

28) 忽+A+忽 B

«忽… 忽…» конструкцияси « базида ундай, базида бундай» маъносини билдиради, ўзгаришлар ҳақида гапириш қийин.

1.今年天气忽冷忽热,很不正常.

Бу йил об ҳаво бир совуқ, бир иссиқ, мўтадил эмас.

2. 那两个人说话的声音忽高忽低,好象争论着什么.

Анавиларнинг овози бир баланд, бир паст чиқяпти, бир нарсани муҳокама қиляпти шекилли.

А ва В кўринишдаги конструкция ўрнида « 忽 … 忽 …», сифат антонимлари келади.

29) 各+A+各+B

«各….各….» ҳар хил турдаги ва кўп миқдордаги нарсаларни билдириб келади.

1.中秋节前,市场上有各式各样的月饼.

“Куз байрами” арафасида бозорда ҳар хил ой печениялари бўлади.

2.春节各家各户都包饺子.

“Чун жие”(баҳор байрами) да нар бир оила чучвара тугади.

«各….各….» конструкциясидаги А ва В бир бирига яқин маънодаги от сўз туркумига мансуб сўзлар бўлиши керак.

30) 或+A+或+B

«或….或…» конструкцияси аниқ белгиланган вазиятнинг ҳар хил даражада содир бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

1.工人们或多或少地增加了收入.

Ишчилар киримни бир кам, бир кўп қилиб кўпайтиришди.

2.这座大楼质量大差,或早或完要出事

Бу бинонинг сифати жуда ёмон, ертами кечми нимадир бўлади.

«或….或…» конструкциясида сифатлар бир иероглифли сўзлар бўлиб, бир бирига антоним бўлиши керак, масалан : ертами - кечми , кўп- кам, кечга қолган- вақтида.

31) 四+A+四+B

«四….四…..» ҳамма томондан, ҳамма жойдан деган маънони англатади.

1.我们的同学都来自四面四方,说哪儿的方言的人都有.

Бизда ҳамма жойдан келган талабалар бор, ҳамма жойнинг шевасида гапирадигани бор.

2.北京交通顺利,地铁公路四通八达.

Пекинда ҳаракат воситалари жуда қулай, ҳамма томонга метро юради. «四….四…..» кострукциясида А ва В ўрнида бир иероглифли отлар, феъллар ва сифатлар келади, масалан: 四舍五人 «қуршаб олмоқ" , 四平八稳 «ҳамма йоқ тинч»

32)A 的 A, B 的 B

«A …A, B…..B» конструкцияси « унақаси ҳам, бунақаси ҳам, ҳар бири ҳар хил» маъносида келади.

1.他家里老的老,小的小,都得有人照顾.

Унинг оиласида ёш ҳам қари ҳам, ҳаммаси бир бирига ғамхурлик қилмоғи керак.

2.老朋友在一起,说的说,笑的笑,非常开心.

Узоқ вақтли дўстлар, ҳам гаплашяпти, ҳам куляпти, ҳаммаси жуда хурсанд.

«A …A, B…..B» ушбу конструкцияда бир хил феъллар, сифатлар ёки феъл га оид сўзлар ишлатилади, масалан: 肥的肥 ҳам семиз ,瘦的瘦 ҳам озғин ,哭的哭 ҳам йиғламоқ ,叫的叫 ҳам бақирмоқ ,扫地的扫地 ҳам ерларни сипирмоқ ,擦桌子的擦桌子 ҳам стол чангини артмоқ.

33) 东+A+西+B

«东….西….» бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳодисаларнинг узлксиз ўзаро алмашинишини кўрсатади, кўпинча : «ҳам….ҳам….», «қанчалик…,шунчалик…» маъноларида келади. 又多又乱(қанча кўп бўлса, шунча тартибсиз).

1. 他们两个人东一句,西一句,闹聊了半天.

Улар иккиси ҳам у йоғдан бир гапириб, бу йоғдан бир гапириб, ярим кун уршишди.

2.他的脏衣服东一件,西一件,扔得到处都是.

Унинг кир кийимлари у йоғда, бу йоғда йотибди.

34) 没+A+没+B

«没…..没…..» ҳеч нарсага еришмаганини кучайтириб кўрсатади.

1.他家没吃没喝,日子过得很艰难极了.

Унинг уйида на йейдиган нарсаси бор, на ичадиган, жуда қийналиб кун кечиради.

2.大家都听累了,他还在没完没了地说.

Ҳамма ештавериб чарчади, у ҳали ҳам гапиришдан тўхтамаяпти.

«没…..没…..» конструкциясида одатда маъно жиҳатидан бир бирига яқин ёки қарама қарши бўлган бир иероглифли феъллар, сифатлар ва отлар қўлланилади, масалан: «на кичкина, на катта, на кундузи, на кечаси, на мийяси, на ақли».

Кўрини турибдики расмий тил ўз ичига ниҳоятда кўп турдаги қолипли қонструкцияларни қамраб олган бўлиб, ушбу клнструкцияларнинг нотўғритаржимаси баъзуан умумий контекстнинг ўзгариб кетишишига ва турли хил тушунмовчиликларга олиб келиши ҳам мумкин.

2.2. Расмий ҳужжатларда кенг ишлатиладиган мурожаат ва мулозамат шакллари

Расмий ёзишмаларда қўлланиладиган мурожаат сўзларининг аҳамияти катта. “Мурожаат” деб хат юборувчи томонидан хат қабул қилувчига нисбатан ишлатадиган дастлабки мурожаат сўзлари тушунилади. Одатда эркакларга нисбатан “先生 xiansheng Жаноб”, аёлларга нисбатан “夫人，怒士, 小姐 furen, nushi, xiaojie”, яъни “Хоним” каби мурожаат сўзларини ишлатиш лозим. Турмуш қурган аёлларга нисбатан “夫人 furen”, турмушга чиқмаган аёлларга нисбатан “小姐 xiaojie” , ёши улуғлашиб қолган аёлларга нисбатан ҳам “夫人 furen” мурожаат сўзи ишлатилади. Ушбу мурожаат сўзлардан олдин инсон исми – шарифи, мансаб даражаси, унвонини белгиловчи сўзлар қўйилади. М: “卡里莫夫先生 kalimofu xiansheng Каримов Жаноблари ”, “议员

先生 yiyuanxiansheng депутат жаноблари”, “市长先生 shizhang xiansheng шаҳар хокими жаноблари”, “ 上校先生 shangxiao xiansheng полковник жаноблари”, “ 秘书小姐 mishuxioajie котиба хоним”, “怀特夫人 huaite furen Вайт хоним” ва ҳоказо.

Юқори мансабдаги расмий инсонларга нисбатан, одатда Ташқи ишлар вазири даражасидан юқори лавозимдаги расмий инсонларга нисбатан, давлат тузумини назарда тутган ҳолда “阁下 gexia Жаноби олийлари” ибораси қўлланилади. Ушбу иборадан олдин унвонни билдирувчи сўз ёки “先生 xiansheng Жаноб” сўзи қўшиб айтилиши ҳам кузатилади. М: “部长阁下 buzhang gexia Вазир Жаноби Олийлари”, “总统阁下 zongtong gexia Президент Жаноби Олийлари”, “主席先生阁下 zhuxi xiansheng gexia Раис Жаноби Олийлари”, “ 总理阁下 zongli gexia Бош вазир Жаноби Олийлари” ёки “总理先生阁下 zongli xiansheng gexia Бош вазир Жаноби Олийлари”, “大使先生阁下 dashi xiansheng gexia Элчи Жаноби Олийлари” ва ҳоказо.

Лавозимга эга бўлган аёлга нисбатан “ 夫人 furen Хоним” сўзи ишлатилади, юқори лавозимга эга бўлган аёлга нисбатан ҳам “阁下 gexia Жаноби олиялари” мурожаат сўзи қўлланилиши мумкин. Монарх давлатларида қиролга мурожаат қилганда “陛下 bixia Аъло Ҳазратлари”, қироличага нисбатан ҳам шу мурожаат шакли қўлланилган, яъни “陛下 bixia Ҳазрати Олиялари” ; шохзода, малика ва ҳоказоларга нисбатан “殿下 dianxia Олий Ҳазратлари” мурожаат шакллари қўлланилади. Шуниси эътиборликки,

陛下 bixia шакли 殿下 dianxia шаклига нисбатан ҳурмат маъноси юқорироқ даражада. Княз, маркиз, виконт каби лавозимдаги инсонларга нисбатан “阁下 gexia Жаноби олийлари” ёки “先生 xiansheng Жаноб” сўзлари ишлатилади.

Фан доктори илмий даражасига эга бўлган инсонларга нисбатан “博士 boshi” сўзи қўлланилиб, баъзан ушбу сўздан олдин “先生 xiansheng Жаноб” сўзи ҳам келиши мумкин.M: “马丁博士先生 Mading boshi xiansheng доктор Мартин жаноблари” каби.

Ҳарбий соҳага алоқаси бор одамларга нисбатан ҳарбий унвони ёки “ҳарбий унвон + 先生 xiansheng Жаноб” мурожаат шакли ишлатилади. Агар одамнинг исми-шарифи маълум бўлса, исм ва фамилия орқали мурожаат қилинади. M: “ 上校先生 shangxiao xiansheng подполковник жаноблари”, “莫利上校 Moli shangxiao подполковник Моли”, “ 莫利上校先生 Moli shangxiaoxiansheng подполковник Моли жаноблари” ва ҳ. Баъзи давлатларда генерал, маршал каби юқори ҳарбий унвонга эга бўлган инсонларга нисбатан мурожаат қилганда “阁下 gexia Жаноби олийлари” сўзи қўлланилади.

Хизматкор инсонларга нисбатан “服务员 fuwuyuan хизматкор” сўзи ишлатилади. Агар исми-шарифи маълум бўлса, исми бўйича чақирилади. Лекин ҳозирги кунда кўплаб давлатларда хизматкорларга нисбатан мурожаат қилганда ҳам “先生 xiansheng Жаноб”, “夫人，小姐 furen, xiaojie Хоним” сўзларининг ишлатилиши ҳам кузатилмоқда.

Черковда ишлайдиган инсонларга нисбатан одатда унвон номи билан ёки “унвон номи + 先生 xiansheng Жаноб” мурожаат шакли ишлатилади. M: “福特神父 Fute shenfu руҳоний Фуд”, “ 传教士先生 chuanjiaoshi xiansheng

миссионер жаноблари”, “特使先生 teshi xiansheng пастор жаноблари” ва ҳ. Епископ даражасидан юқорироқ унвондаги черков ходимларига нисбатан “阁下 gexia Жаноби олийлари” сўзи қўлланилади.

ХХР каби социалистик тузумдаги давлатларда одамлар бир - бирига нисбатан “同志 tongzhi Ўртоқ” мурожаат сўзини қўллашади. М: “ 主席同志 zhuxi tongzhi Ўртоқ Раис”, “ 议长同志 yizhang tongzhi Ўртоқ депутат”, “大使同志 dashi tongzhi Ўртоқ Элчи”, “ 秘书同志 mishu tongzhi Ўртоқ котиба” ва ҳ. Баъзида “Исм-шариф + 同 志 tongzhi Ўртоқ” мурожаат шакли ҳам ишлатилиши мумкин.

Японияда аёлларга нисбатан одатда “夫人，小姐 furen, xiaojie Хоним” сўзи ўрнига “先生 xiansheng Жаноб” мурожаат сўзи ишлатилади.

Мурожаат сўзи одатда ҳужжат бошида ёки ҳужжат расмий қисмининг биринчи сарлавҳасида қўйилади. Баъзи бир дипломатик ҳужжатларда мурожаат сўзи расмий қисм билан бирга бир қаторда ёзилади; баъзида мурожаат сўзлари кириш сўзидан кейин ҳам қўйилиши кузатилади.

Расмий ҳужжатларнинг якуний қисмида қўлланилувчи мулозамат сўзлар сўзлар одобни, камтаринлик, ҳурматни, эзгу тилак – истакларни ифодалашда қўлланилади. Расмий ҳужжатнинг маъносига мос келувчи сўзларнинг ўз ўрнида қўлланилиши ушбу ҳужжатнинг муввафақиятли қабул қилинишини ва яхши натижаларга олиб келишини таъминлаб бериши мумкин. Мулозамат сўзлар одатда икки турга бўлинади:

4. расмий ҳужжатнинг бошланиш қисмида ёзиладиган саломлашув сўзлари;

5. расмий ҳужжат якунида, имзодан олдин ёзиладиган ҳурмат – эҳтиром маъносидаги хушомад сўзлар.

Расмий нотада одатда матн бошланишида қуйидаги турғун иборалар қўлланилади: “x x x (发文单位 fawen danwei) 向 xiang (收文单位 shouwen danwei) 致意 zhiyi ” “x x x (нота юборувчи томон) ...га (нота қабул қилувчи томонга) ўз ҳурматини билдириб қолади.” Шу иборадан кейингина матннинг асосий мазмуни ёзилади. Масалан: Хитой Ташқи Ишлар Вазирлиги ХХРда аккредитация қилинган чет давлатлар элчихоналарига нота юборишда нотанинг бошланишида қуйидаги турғун хушомад ибораси қўлланилади: “外交部向 x x x 驻华大使馆致意” (waijiaobu xiang x x x zhuhuadashiguan zhiyi), яъни “Ташқи Ишлар Вазирлиги ХХРдаги чет давлатларнинг элчихоналарига ўз ҳурматини билдириб қолади.” Ушбу турғун мулозамат ибораси барча давлатларда қўлланилади, чунки бу каби иборалар дипломатик ваколатхоналараро ёки халқаро ташкилотлараро олиб бориладиган ёзма корреспонденцияда доимо қўлланилиб келинган анъанавий удумга айланган. Ғарб давлатларда ҳаттоки юбориладиган нотанинг мазмуни қаршилик нотаси мазмунида бўлса, матнда ҳақорат сўзлари ишлатилган бўлса ҳам нота матнининг бошланиш қисмида доимо “x x x 向 xiang x x x 致意 zhiyi ” турғун мулозамат ибораси қўлланилади. Шарқ давлатларининг баъзиларида қаршилик ноталарда бундай хушомад сўзлар тушириб қолдирилади.

Расмий ҳужжат якунида қўлланиладиган мулозамат ибораларга одатда “顺致敬意 shunzhi jingyi” “Фурсатдан фойдаланиб ҳурмат билдириб қоламиз”; “顺致崇高的敬意 shunzhi chonggaode jingyi” “Фурсатдан фойдаланиб чуқур ҳурматимизни билдириб қоламиз”; “顺致最崇高的敬意” shunzhi zui chonggaode jingyi” “Фурсатдан фойдаланиб чуқур ва самимий ҳурматимизни билдириб қоламиз” каби иборалар киради. “最 zui” “энг” сўзи бундай ибораларда дипломатик фаолиятда Ташқи Ишлар Вазирлиги ва чет

давлатлардаги элчихоналар ўртасида олиб бориладиган дипломатик ёзишувда, айнан расмий нотаралда ишлатилиши мумкин, вербал нотаралда бу сўз ишлатилмаслиги ҳам мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган турғун хушомад иборалардан ташқари персонал ёзишувда яна “祝你（您）身体健康 zhuni (nin) shenti jiankang ” “Сизга сиҳат – саломатлик тилаб қоламиз” каби иборалар қўлланилади.

2.3.Ҳужжатларда кенг қўлланилувчи семантик компонентлар

Семантик компонентнинг хусусиятларидан бири бу унинг юқори даражада мавҳумлигидир. Айнан шу хусусият семантик компонентларнинг мослашувчанлиги, нисбатан турғунлигини белгилайди. Бир компонент турли сўзларнинг маъносига киради, бу эса семантик компонент индивидуал эмаслигини кўрсатади. Семантик компонент маълум даражада “силлиқ”, “юзсиз” бўлиши лозим. Бу унга турли сўзлар маъноларига қўшимча элемент сифатида сингишида ёрдам беради. Семантик компонентлар турли дипломатик ҳужжатларда кенг қўлланилади ва аскарият бир семантик элемент турли мавзудаги ҳужжатларда турлича талқин этилади. Қуйида дипломатик ҳужжатларида учрайдиган айрим семантик компонентларни кўриб чиқамиз:

- 就 jiu “ўша заҳотиёқ, тезда”.

Ушбу компонент феъл сўз туркумидаги сўздан олдин қўйилиб, иш – ҳаракатнинг қисқа вақт ичида содир бўлганлигини, бир воқеа иккинчи воқеадан сўнг тез содир бўлганлигини ифодалаб, тасдиқ маъносини кучайтиришга хизмат қилади. Ёрдамчи сўз маъносида 就 jiu вақт ҳолидан кейин ишлатилиб, воқеанинг маълум бир пайт билан узвий боғлиқлигини кўрсатади ва воқеа белгиланган вақтда содир бўлганлиги ёки содир бўлиш маъносини кучайтиради.

- 就 jiu: «...дан келиб чиқиб», «...га кўра»;
- 就 jiu: «айнан; у ҳолда; шу заҳотиёқ, тез» каби маъноларга эга.

Масалан, 兹就 贵 方今年二月二日来信答复。。。如下 zi jiu guifang jinnian eryue erri lai xin dafu …ruxia. “Жорий йилнинг 2 февралида Сиз томонингиздан юборилган хатга биноан қуйидаги жавобни жўнатмоқдамиз”. Бу семантик компонент 就此 jiuci “шу боис” каби сўзлар таркибига ҳам киради.

➢ 此 ci семантик компоненти кўрсатгич олмошини

ифодалаб “ҳозир”, “шу вақтда”, “бу ерда” каби маъноларни беради. Масалан, 此后 cihou “шундан сўнг”,此外 ciwai “бундан ташқари, шу билан бирга”, 此刻 cike “ҳозирги пайтда” каби сўзлар таркибида қўлланилиши кузатилади.

➢ 致 zhi “юбормоқ, ифодаламоқ” маъноларида

қўлланилади. Гап таркибида қуйидаги маъноларни ифодалайди:

- «бермоқ», бу маънода 给与 маъносига яқин;
- этикет, ҳурматни ифодалаш;
- тенглик ҳиссини кучайтириш;
- диққатни бир жойга қаратмоқ.

➢ 以至 yizhi таркибида эса натижа маъносидаги боғловчи

вазифасида қўлланилади ва “натижаси ўлароқ”, “...га олиб келди” маъноларни ифодалайди.

➢ 对 dui семантик компонент вазифасида йўналиш

боғловчиси маъносида ишлатилади, “...га”, “ ... қараб” каби маъноларни билдиради ва ўзаро мос келиш маъносини ифодалаш учун қўлланилади. Кўпинча гап таркибида феъл вазифасини бажаради:

1. 对待 duidai “...га мурожаат этмоқ, ...га эътибор бермоқ”;

2.对付 duifu “бирор – бир нарсанинг уддасидан чиқмоқ”;

3. 对航 duihang “...га қарши бўлмоқ”;

4. 朝 chao “...га чиқмоқ” , 向 xiang “...га қараб” , 对 dui “...га юзланиб” каби боғловчилар вазифасида ҳам ишлатилади;

5. 对于 duiyu “...га кўра; ҳақида” маъносини ифодалайди.

- 将 jiang семантик компоненти:

а) равиш вазифасида яқин орада содир бўлажак воқеа – ҳодисани ифодалашда қўлланилади;

б) бирор - бир пайтнинг яқинлашувини ифодалайди;

в) белгиланган пайтда содир бўладиган воқеани ифодалайди;

г) келаси замон белгиси сифатида ишлатилади;

д) ёрдамчи сифатида воситасиз тўлдирувчи инверсияси, яъни феълдан олдинги ўринга олиб чиқиш учун ишлатилади. Масалан, 将 jiang + от + феъл = «келажакда бирон нарса қилмоқ». 我方将于近期内函告我方的决定。Wofang jianyu jinqinei hangao wofangde jueding. Қароримиз ҳақида Сизга яқин орада хабар берамиз.

- 签 qian “имзоламоқ, тамға” маъносидаги семантик компонент бўлиб:

1. Имзо қўйиладиган ҳужжатларда масъулиятни ифодалаш мақсадида.
2. Расмиятчилик маъносини бериш мақсадида.
3. Муҳим фикрни киритишда қўлланилади.

请签署此项协议，并将正本寄回一份。Qing qianshu ci xiang xieyi, bing jiang zhengben jihui yifen. Келишувнинг асл нусхасига қўл қўйишингизни ва бизга бир нусхасини юборишингизни сўраймиз.

- 于 yu универсал олд қўшимча вазифасида

кенг ишлатилиб, “...га”, “...дан”, “...да”, “...билан”, “...учун” каби маъноларни билдиради. Вақт, йўналиш, таққослаш маъноларида ишлатиш кўп учрайди. М: 至于贵方的照信。。。zhiyu guifangde zhaoxin… “Сиз томондан юборилган нотага келсак...” каби жумлада 于 yu семантик компоненти 至于 zhiyu сўзи таркибида келиб, йўналиш маъносини билдиради.

- 以 yi семантик компоненти мақсад маъносида

ишлатилиб, икки феъл ўртасида келади. 以。。。为 yi…wei “бирор кимни ...деб билмоқ”, 以后 yihou “...дан сўнг, кейин”,以前 yiqian “дан олдин, аввал” каби сўзлар таркибида ишлатилади. Ўрин – жой ва вақт равиши сифатида қўлланилади. Масалан, 以期 yiqi мақсад боғловчиси “...учун”;以便 yibian мақсад боғловчиси “...учун”; 以免 yimian “...олдини олиш учун”; 以某 yimou “...мақсадида”; 以内 yinei “доирасида, ...вақт ичида” каби сўзлар таркибида ҳужжатларда ишлатилади. Баъзи семантик компонентлар сўзлар билан биргаликда қолипли бирикмаларни ҳам ҳосил қилиш хусусиятига эга. Масалан: 应。。。邀请 ying … yaoqing “... таклифи билан, ... таклифига биноан, кўра”; 在。。。陪同下 zai … peitongxia “... ҳамроҳлигида”; 为。。。干杯 wei … ganbei “... учун қадах кўтармоқ”;向。。。提出抗议 xiang … tichu ganbei “...га қаршилик билдирмоқ” каби бирикмалар шулар жумласидандир.

Юқорида келтирилган семантик компонентларнинг матн маъносидан келиб чиққан ҳолда турлича таржима қилиниши кузатилади. Бунинг сабаби семантик компонент индивидуал бўлаололмаслигидадир. Семантик компонентларнинг “силлиқлиги” уларнинг турли сўзлар билан бирикиш жараёнини енгиллаштиради. Турлича сўзлар билан бириккан компонент бир вақтнинг ўзида бир неча маънони ифодалаши мумкин. Бу омил таржима қилиш жараёнида мураккабликни пайдо бўлишига боис бўлади. Бир нечта семантик компонентнинг қўлланилиши ҳужжатга тантанаворликни бағишлайди. Семантик компонентни ноўрин ишлатилиши ҳужжат мазмунининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Хулосалар

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик:

1.Тил жамият хаёти билан билан узвий боғлиқ бўлгани учун у билан бирга доимо ҳамнафас бўлиб, жамият билан бирга ривожланади. Муайян тарихий даврда тилда қўлланилган сўзлар бир мамлакатнинг маданий, сиёсий, илмий ва ижтимоий аҳволининг тараккиёти мобайнида “эскириб”, тилдаги сўзларнинг бир қисми бутунлай истеъмолдан чиқиши мумкин. Шу билан бирга бир тил бошка тил ёки тиллар таъсири натижасида янги сўзлар, атамалар билан муттасил бойиб, ривожланиши мумкин.

2.Бевосита расмий тил соҳасидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ҳозирги хитой расмий тили сохаси лексикасининг шаклланиш жараёни узоқ ва мураккаб. “Расмий тил” деганда диссертант ўз ичига расмий тил атамалари, сўз бирикмалари, семантик компонентлар ва қолипли бирикмаларни назарда тутади ва шу билан мазкур тадқиқот чегарасини белгилайди.

Ҳозирги хитой расмий тилининг лексик қатлами тилнинг ривожланиш қонун - қоидаларига мос равишда ривожланиб бормоқда. Демак, ушбу лексик қатламида даврни ифода этувчи янги маъноли сўзлар, атамалар, қолипли бирикмалар, ўзлашмаларнинг сони кўпайиб бориши билан бир қаторда, ўз долзарблигини аста - секин йўқотиб бораётган атамаларнинг ишлатилиши ҳам нисбатан чекланиб бормоқда. Бундан ташқари, хитой расмий тили соҳаси лексикасининг ривожига ҳам лингвистик ҳам интра ва экстралингвистик факторлар таъсир кўрсатади.

3.Расмий ҳужжатларда қўлланилувчи янги сўзлар ва қолипли

бирикмалари таҳлили натижасида қуйидагилар маълум бўлди:

қолипли бирикмаларнинг вужудга келиши мунтазамлик тенденциясига боғлиқ. Қолипли бирикмалар таркибидаги сўзлар ўзаро қўшилиши кузатилди (морфемаларнинг эмас). Тинчлик учун кураш, терроризмга қарши кураш, давлатлар ўртасида алоқаларни ривожлантириш мавзулари дипломатик лексикани янги маъноли сўзлар, қолипли бирикмалар билан бойишига сабаб бўлмоқда. Расмий ҳужжатларда доимий типдаги матн мавжудлиги боис, уларда тайёр қолипли бирикмалар – клишеларнинг ишлатилиши кўп учраши мисоллар ёрдамида аниқланди.

